АДОЛАТ КУЧЛИ, КУЧ ЭСА АДОЛАТЛИ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

Адолат

Ўзбекистон «Адолат» социал - демократик партиясининг газетаси

1995 йил, 22 июль, № 16

Шанба кунлари чиқади • Сотувда эркин нархда

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИГА, ҒАЛЛАКОРЛАРИГА, БАРЧА ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Пойтахт вилоятининг ғаллакорлари давлат омборларига 216 минг тоннадан кўпроқ дон етказиб бергани ҳақидаги хабарни эшитиб ғоят мамнун бўлдим.

Шу қадар рекорд миқдорда дон тайёрланиши Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга қўшилган муносиб ҳисса, Тошкент вилоятидаги барча қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати натижасидир. Вилоят меҳнаткашлари республикамизнинг гуллаб-яшнаши ва фаровонлиги йўлида куч-ғайратларини ҳеч қачон аяган эмас.

Ғаллазорларнинг шонли меҳнатчилари, сизларга чин юракдан мустаҳкам соғлиқ, яхши кайфият, олижаноб меҳнатингизда янги зафарлар тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ, ЖИЗЗАХЛИК ҒАЛЛАКОРЛАРГА, БАРЧА ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз биродарлар!

Давлатга 240 минг тонна ғалла сотиб, катта ғалабага эришган жиззахлик барча ғаллакорларни, қишлоқ меҳнаткашларини чуқур мамнуният билан табриклайман.

Жиззахликлар давлат хирмонига биринчи марта бундай катта миқдорда ғалла топширдилар.

Бу муваффақият сизларнинг мардонавор меҳнатингиз, ғаллачиликни янада ривожлантириш ўта муҳимлигини тўғри тушунганлигингиз натижасидир.

Сизларнинг ғалабангиз — жонажон Ўзбекистонимизнинг ғалла мустақиллигини мустаҳкамлайди ва олиб бораётган иқтисодий сиёсатимизнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Шу билан бирга келажак фаровон ҳаётимизга асос солади.

Чин қалбдан сизларга, сизларнинг оила-аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, тинчлик, меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**

ТОШКЕТ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИ ҒАЛАБАСИ

Тошкент вилояти деҳқонлари давлатга ғалла топшириш мажбуриятини шараф билан бажардилар. Хирмонга 216 минг тоннадан кўпроқ дон уюлди. Суғориладиган ердан олинган ҳосил гектар бошига ўртача 31 центнердан кўпроқни ташкил этди.

Ғалла ўрим-йиғими давом этмоқда.

(ЎзА).

240 МИНГ ТОННА ҒАЛЛА ТАЙЁР!

Жиззахлик ғаллакорлар улкан ғалабага эришдилар. Вилоятда биринчи марта 240 минг тонналик хирмон уюлди. Дўстлик, Ғаллаорол, Мирзачўл, Зафаробод, Пахтакор ва Жиззах туманлари деҳқонлари бу ютуққа салмоқли ҳисса қўшди.

Ғалла ўрим-йиғими давом этяпти. Деҳқонлар етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, ялпи хирмонни 350 минг тоннага етказиш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

(ЎзА).

Чустликлар ўзларининг хилма-хил пичоғи-ю, дўпписи билан нафақат Республикамизда, балки чет элларда ҳам маълуму машҳур. Бугунги кунда Чуст шаҳридаги «Чевар» ҳиссадорлик жамияти жамоаси ҳам шаҳарнинг довруғини оширмоқда. Республикамиз истеъмол бозорини хилма-хил маҳсулотлар билан тўлдиришга, ишлаб чиқаришни юксалтиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

СУРАТДА: ҳиссадорлик жамиятининг тажрибали чевари Г. Саъдиева.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

БУГУННИ СОНДА

2-бет:
- Қадимий эҳромлар юрти
- Атиргул билан учрашув

3-бет:
- Одам бўлиш қийин...
- «Кўзларим йўлингда»...ни «Ойнаи жаҳон»да кўринг

4-бет:
- Тест — адолат мезони
- Ёнаётган руҳлар

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Республика матбуот ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида Фармон қабул қилди.

Мукофотланган ҳамкасбларимизни чин юракдан муборакбод этамиз.

***

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Банкротлик тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида қарор қабул қилди.

***

• 15 июль куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков раислигида истеъмол бозорини энг зарур моллар билан тўлдириш ва аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси ўтказилди.

***

• Республика Прокуратураси ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. У Президент Ислом Каримовнинг яқинда босмадан чиққан «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобининг муҳокамасига бағишланди.

***

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси ҳукумат Раиси Виктор Черномирдин шу йил 26-28 июль кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

***

• Нукусдаги санъат саройида улуғ қозоқ оқини А. Қўнонбоев таваллудининг 150 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

***

• 18 июль куни Республикамиздаги энг тўнғич — «Ўзбекистон» нашриёти ўзининг 70 йиллигини тантанали нишонлади.

***

• 18 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Буюк Британиянинг «Юнимед» мустақил ахборот маҳкамаси мухбирлари Таиза Боск ва Эдриан Бэннокни қабул қилди.

***

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш тўғрисида» Фармон қабул қилди.

***

• Марказий Осиё республикалари газеталарининг Бош муҳаррирлари — Бишкек ва Чўлпон ота шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро семинар иштирокчилари Марказий Осиё Бош муҳаррирлари ассоциациясини тузиш ҳақида Баёнот қабул қилдилар ва Марказий Осиё минтақасидаги барча оммавий ахборот воситалари вакилларига Мурожаат қабул қилдилар.

***

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2-8 сентябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтадиган биринчи Марказий Осиё ўйинларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов бошқарди.

***

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бекобод шаҳрининг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

***

• Марказий банк 1995 йил 21 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 30,65 сўм

— Сотиш қиймати: 30,65 сўм.

Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади.

• Партия ва ҳаёт

ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ ЗАРУР

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли рисоласи кенг жамоатчилик орасида, ишлаб чиқариш ташкилотлари, тадбиркор ва ишбилармонлар жамоасида ҳам қизғин муҳокама этилянти.

Ана шу муносабат билан куни кеча «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг кенгайтирилган пленуми бўлиб ўтди. Унда шаҳардаги мавжуд 11 та тумандаги партия ташкилотларининг биринчи, иккинчи ва учинчи котиблари, партиямизнинг жойлардаги фаоллари иштирок этдилар.

Юртбошимизнинг иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг беш тамойили ҳамда «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» рисоласи юзасидан Тошкент шаҳар партия Кенгашининг иккинчи котиби Одилжон Аҳмедов маъруза қилди.

Музокараларда Тошкент шаҳар туманлари партия ташкилотларининг биринчи котиблари фаол иштирок этишиб, қарийиб ўтган тўрт йил давомида бозор муносабатларини шакллантиришда, юртимизда қилинган улкан ишлар ва бунда Президент Ислом Каримовнинг тутган ўрни хусусида фикр-мулоҳаза юритдилар. Шунингдек, янги рисола барча туманларнинг ишлаб чиқариш ташкилотларида, маҳалла фуқоролар йиғинларида қизғин муҳокама этилаётганлигини ҳам алоҳида таъкидладилар.

Шундан сўнг кенгайтирилган пленум қатнашчилари партия ташкилотлари олдида турган бир қатор муҳим масалаларни ҳам муҳокама қилиб, айрим тажрибалар юзасидан фикрлашдилар. Чунончи, Мирзо Улуғбек, Миробод, Шайхонтоҳур каби туманларнинг партия ташкилотлари Узбекистон «Адолат» социал-демократик партияси нуфузини кўтариш мақсадида жойларда олиб бораётган тарғибот ва ташвиқот ишлари — маҳалла қўмиталарида, меҳнат фахрийлари орасида, ёшлар билан ишлашда, хотин-қизлар қўмиталари билан қилаётган ҳамкорликлари, байналмилал жангчилар, ҳамда меҳрибонлик хайрия жамғармаларида утказаётган учрашувлари якдиллик билан қуллаб-қувватланди.

Ана шу ишларни янада кенг йўлга қўйиш мақсадида ҳар ойда икки марта кенгайтирилган пленум чақириладиган бўлди.

ЯКДИЛЛИК БИЛАН

Куни кеча Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Миробод тумани Кенгашининг таъсис конференцияси бўлди. Унда Тошкент шаҳар партия Кенгашининг иккинчи котиби Одилжон Аҳмедов партиянинг мақсад ва вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

Музокараларда туман халқ таълими бўлими ходимлари, соғлиқни сақлаш, солиқ назорати, ҳокимлик мутасаддилари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг бир қатор вакиллари фаол иштирок этишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баен этдилар.

Конференциядан сўнг туман Кенгашининг биринчи ташкилий пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари туманда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда фаоллик кўрсатиб келаётган «Мадинаи Хаж» фирмасининг директори Рамзиддин Боборахимовни бир овоздан Миробод туман партия Кенгашининг биринчи котиби этиб сайладилар.

Шунингдек, Миробод тумани ҳокими ижроя қўмитаси маҳкамасининг I-даражали ҳуқуқшуноси Аловитдин Мирсолиҳов иккинчи котиб этиб сайланди.

Шундай қилиб, Тошкент шаҳрида республикада биринчилардан бўлиб, II та туманда партия Кенгашлари тузиб бўлинди. Айни пайтда улар халқ орасида, ишлаб чиқариш ташкилотларида истеъмол бозорини тўлдириш ҳамда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатишмоқда.

КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Собир Комилович Умедов 1958 йилда Бухоро вилоятининг Вобкент туманида туғилган. Бухородаги қурилиш техникуми, Давлат университети, озиқ-овқат ва енгил саноат институти, республика «Агробизнес» мактабини тугаллаган. Айни пайтда Тошкент Молия институтининг «Молия-кредит» факультетида сиртдан таҳсил олмоқда. «Тадбиркорбанк»нинг вилоят бошқармаси бошлиғи, вилоят Кенгаши депутати, яқинда бўлиб ўтган таъсис конференциясида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Бухоро вилоят Кенгашининг биринчи котиби этиб сайланган.

Оилали, тўрт фарзанднинг отаси.

— Собир Комилович, мустақил давлатимизда ҳуқуқий демократик жамият қуриш борасида олиб борилаётган изчил сиёсат туфайли Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси дунёга келди. Сиз ушбу партиянинг Бухоро вилоятидаги етакчиси сифатида бугун эътиборни нималарга қаратиш лозим деб ўйлайсиз?

— Мамлакатимизда демократик жамият барпо қилиш учун кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Албатта, бу йўл машаққатли ва жуда кўп вақт, диалектик жараёнларни талаб қилади. «Демократия» дегани билан бу жамият ўз-ўзидан қурилиб қолмайди. Қонунлари устивор бўлган жамиятга тўла эришиш учун тинимсиз изланиш, фидойилик кўрсатиш, меҳнат қилиш керак. Бугун ёш давлатимиз ана шу жараённи бошдан кечиряпти. Мамлакатимизда «Адолат» социал-демократик партиясининг вужудга келиши ва унинг олдига қўйилган мақсадлари ҳам айнан мана шундай эзгу ишларни руёбга чиқаришда халқ билан ҳамфикр бўлиш, Ватанга хизмат қилишдан иборат.

— Бу борада вилоят партия ташкилоти қандай тадбирларни амалга ошираяпти?

— Кенгашимиз эндиликда ташкилий ишларни шакллантириб бўлди. Энди биз партия сафида туриб, мустақил Ватанимиз равнақи учун хизмат қилишга бел боғлаган фидойи, ишбилармон кишиларни сафимизга қўшаяпмиз. Мақсадимиз мамлакатимизда қизғин давом этаётган иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичини изчил амалга ошириш, Президентимиз айтганларидек, келажакда халқни бой — юртни обод ва фаровон қилиш. Шу олий ният йўлида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари жойларда ўз самарасини бермоқда. Партия Кенгашимиз ҳам бу ишларнинг фаол иштирокчисига айланиши, унга ўзининг муносиб улушини қўшиш учун алоҳида йўриқнома ишлаб чиққан. Вилоят ҳокимлиги ва бошқа ижроия органлари орқали уни ҳаётга кенг татбиқ этишга бор кўч ва билимимизни сафарбар этамиз.

— Билишимча, сиз олдин бошқа бир партияга аъзо бўлган экансиз. Гапнинг рости, нега ундан кетганлигингиз ва «Адолат» партиясига ўтганлигингизнинг сабаблари кўпчиликни қизиқтираётганлигига шубҳа йўқ.

— Тўғри, мен олдин Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси эдим. Шуни тан олиш керакки, мен бу партиядан бирор бир ёмонлик кўрганим йўқ. Лекин «Адолат» социал-демократик партиясининг Дастур ва Низомлари билан танишиб, у айнан қалбимдаги ишларга ҳамоҳанг эканлигини англаб етдим. Шу боис ҳам «Адолат» партияси сафида туриб халққа хизмат қилишни ўзимнинг инсоний бурчимга айлантирдим.

— Зиммангизда биринчи котибликдан ташқари яна бир қанча масъул ишлар ҳам турибди. Уларнинг ҳаммасини уддалашга қандай вақт топаяпсиз?

— Мен ноиб, биринчи котиб ва бир вақтнинг ўзида Бухоро вилоят «Тадбиркорбанк» бошқармаси бошлиғиман. Айни пайтда банк тизими олдида кўплаб муаммолар мавжуд. Муаммолар бор жойда эса, албатта, вақт тиғизлиги сезилади. Лекин шунга қарамай, ишга ижодий ёндошиш ва ҳамма нарсани ўз вақтида ҳал этишга эришиш орқали кўпгина ишларга улгураяпмиз. Ўз навбатида партия Кенгашимизнинг аъзолари ҳам менга яқиндан ёрдамлашиб, кўмаклашиб туришибди.

— Вилоят партия Кенгашининг олдида қандай муҳим вазифалар турибди?

— Очиғи, вилоят партия Кенгашимизнинг тузилганига икки ойдан ошди. Шу давр мобайнида партия ташкилотимиз вилоят адлия бошқармасининг рўйхатидан ўтказилди. Қолаверса, кенгашнинг думалоқ муҳри ва турли қоғозларини ҳам тайёрладик. Банкда ҳисоб рақамимизни очдик. Шу билан бирга вилоятимизнинг барча туманларида партия Кенгашлари тузилиб, уларнинг етакчилари сайланди. Партиямизнинг долзарб ва истиқболдаги режаларини ишлаб чиқиб бажаришга киришдик. Эндиликда жойларда бошлангич партия ташкилотлари тузишни қизғин олиб бораяпмиз. Очиғи, партиямиз сафида бўлишга хайрихоҳлар кўп. Улардан мингдан зиёд ариза тушди. Лекин партияга қабулни танлов асосида йўлга қўймоқчимиз. Сафимизда бўлишни истаганларни ҳар томонлама ўрганиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги тутган ўрнига алоҳида эътибор берамиз. Ўз навбатида улар яшаётган маҳаллаларнинг оқсоқоллари ва обрўли кишилардан берилган тавсиялар ҳам бизга айниқса, асқотади. Шундай: талаб қатъий. Аммо бунга қарамай вилоятимизда «Адолат» партияси сафига кириш истагини билдираётганларнинг сони кун сайин кўпайиб бормоқда.

Суҳбатдош Гулнора САМИЕВА, «Адолат»нинг ўз мухбири.

• Эртага — Миср Араб Республикасининг миллий байрами

ҚАДИМИЙ ЭҲРОМЛАР ЮРТИ

Инсониятнинг энг қадимий бешикларидан ҳисобланган Миср — тарихий обидалари, хусусан, сайёҳларни лол қолдириб келаётган қадимий эҳромлари билан дунёга машҳур. Миср азалдан тараққиёт маркази бўлиб келгани учун ҳам тарихда қўплаб босқинларни бошидан кечирган. Африка қитъасининг шимолишарқида жойлашган бу афсонавий мамлакат ҳудудининг 98 фоизи саҳролардан иборат. Айни пайтда 60 миллион нафардан ошган Миср аҳолиси асосан Нил дарёси бўйидаги воҳаларда истиқомат қилади.

1882 йилнинг 14 сентябридан Миср Британия мустамлакасига айланди. Мамлакат халқи узоқ йиллар ўз мустақиллиги учун кураш олиб борди. Ниҳоят, 1952 йилнинг 23 июлида Жамол Абдул Носир раҳбарлигидаги инқилобий кучлар мамлакат тепасига келди. Улар мустамлакага чек қўйиш, ижтимоий адолат, демократик ҳаёт пойдеворини қуриш каби ғояларни илгари сурдилар. Мисрда амалга оширилган илк ишлардан бири мамлакатда шоҳ режими бекор қилиниб, унинг республика деб эълон этилиши бўлди.

Мамлакат истиқлолининг дастлабки йилларида мустамлакачиларнинг зарбаларини қайтаришга, ўз мустақиллигини ҳимоя қилишга муваффақ бўлди. Тинч тараққиёт йўлидан одимлай бошлади. Президент Жамол Абдул Носир раҳбарлигида Мисрда таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, қурилиш ҳамда қишлоқ хўжалик соҳаларида жиддий ислоҳотлар амалга оширилди.

Айни пайтда Миср Араб Республикаси муттасил тараққиёт йўлига тушиб олган мамлакатлардан биридир. Саноатнинг нефть қазиб олиш, нефтни қайта ишлаш, машинасозлик, энергетика каби соҳалари асосан давлат сектори қарамоғида. Давлатга тегишли бундай корхоналар мамлакат умумий миллий маҳсулотининг 60 фоиздан зиёдроғини ишлаб чиқаримоқда. Улар тиббиёт, маориф ва бошқа соҳалардаги ижтимоий дастурларни амалга ошириш учун асосий молиявий манбаа бўлиб келаётир.

Мамлакатнинг валюта тушумлари асосан хорижда ишлаётган мисрликлар йўллаган маблағ, Сувайш каналини ишлатишдан тушган тушумлар, нефть экспорт қилиш, шунингдек, сайёҳлик орқали келадиган сармоялардан иборат.

Узбекистон билан Миср алоқалари узоқ йиллик бой тарихга эга. Имом Бухорий, Ат-Термизий, Ал-Хоразмий, Беруний каби бобокалонларимиз мероси Мисрда ҳам юксак қадрга эгалиги бежиз эмас. Узбекистон истиқлолга эришгач, мамлакатларимизнинг азалий алоқаларини янги асосида ривожлантириш имконияти туғилди. Шу ўринда Узбекистон Президентининг 1992 йил декабрида Миср Араб Республикасига ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг ҳуқуқий асосларини яратишда муҳим қадам бўлганини таъкидлаш жоиз. Ташриф чоғида икки давлат ўртасида иқтисодий, маданий, фан ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик юзасидан муҳим ҳужжатлар имзоланди. Мисрда Узбекистон элчихонаси, мамлакатимизда эса Миср Араб Республикаси элчихонаси фаолият кўрсатиб, ўзаро алоқаларимиз ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

1994 йил ноябрида Тошкентда Миср «Фан ва таълим маркази» ташкил этилди. Айни пайтда Мисрдаги олий ўқув юртларида 300 дан ортиқ узбекистонлик талабалар таҳсил олмоқда.

Узбекистон Яқин Шарқда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш йўлида ибратли ишларни амалга ошираётган Миср Араб Республикаси билан алоқаларни янада ривожлантириш тарафдоридир. Зеро, бундай муносабатлар тарихи ва маданиятлари уйғун бўлган мамлакатларимиз халқларининг эзгу интилишларига мос бўлиб тушади.

Амиркул КАРИМ.

• Партия ташкилотларида

МАҚСАДЛАРИМИЗ МУШТАРАК

Республикадаги кўппартиявийлик шароитида «Адолат» социал-демократик партиясининг туман Кенгашлари қандай амалий йўл тутиши лозим? Жойларда янги тузилаётган бошланғич партия ташкилотлари фаолиятларини такомиллаштиришда ва улар сафларини ҳалол, виждонли халқпарвар кишилар билан кенгайтиришда тажрибалар етарлими? Умуман, «Адолат» социал-демократик партиясининг нуфузини ошириш, омма ўртасида бу борада кенг тушунтириш ишларини олиб боришда қайси тамойилларга кўпроқ эътибор берилиши керак?

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Наманган вилояти Чуст тумани ва шаҳри партия кенгашининг биринчи котиби Анваржон Ғанижонов билан қилган суҳбатимиз ана шу муҳим мавзуларни қамраб олди.

Юртимизда иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш, бозор иқтисоди шароитида истеъмол бозорини яратиш ҳамда Республика Президенти Фармонларини ҳаётга жорий этишда партияларнинг амалга ошираётган ишлари аҳамиятга моликдир. Бу борада «Адолат» социал-демократик партиясининг жойлардаги туман Кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари халқ билан ҳамфикрда бўлиб, муҳим ишларни бажармоқдалар.

Дарвоқе, Наманган вилоятининг Чуст туманида «Адолат» социал-демократик партияси Кенгаши тузилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Эндиликда 11 нафар кишидан иборат кенгаш аъзолари Чуст шаҳар стомотологик даъволаш клиникасининг бош шифокори Анваржон Ғанижонов етакчилигида партия нуфузини ошириш, унинг Дастури ва Низомида белгиланган бандлар билан аҳолини яқиндан таништириш, умуман, барча жабҳаларада ташкилотчилик ва етакчилик қилиш ишларида ибрат кўрсатмоқда.

— Туман партия Кенгаши ўз сафини мустаҳкамлаш ва унинг халқ орасидаги обрў-эътиборини оширишда кўпгина тадбирий ишларни амалга оширмоқда. Гарчи, партия Кенгаши яқинда тузилган бўлса-да, бошланғич партия ташкилотларининг сафи ўсиб, бизга хайриҳоҳлик билдирувчилар кўпаймоқда, — дейди Анваржон Ғанижонов. — Гап шундаки, биз илгаридагидек, партияга қабул қилишда сон кетидан эмас, сифатга алоҳида аҳамият беряпмиз. Яна бир жиҳати, ҳеч кимни мажбуран қабул қилмаймиз. Партиямиз Дастур ва Низоми билан яқиндан танишиб чиққан кишиларнинг ўзлари бизга ариза билан мурожаат этишмоқда. Айни пайтда тумандаги 25 дан ортиқ ишлаб чиқариш ташкилотларида аъзоларимиз фаолият кўрсата бошладилар, ана шу жойларда бошланғич партия ташкилотлари тузилди.

Ғалдаги вазифаларни ҳам шундай белгиладик: янги тузилаётган бошланғич партия ташкилотларидан аъзоликка қабул қилишда биринчи навбатда кишиларнинг усталиги, ташаббускорлиги, билим савияси, оила ва жамоатчилик орасидаги юриш-туриши, феъл-атвори, энг муҳими, халқи, мақсади алоҳида эътиборга олинади, ўз ҳаётини сиёсий партия билан боғлаётганларнинг 80 фоизи олий ва ўрта махсус маълумотга эга. Улар 30-40 ёшгача бўлган ёшлар. Катта ҳаёт мактабини ўтаган кишилар ҳамда хотин-қизлардан иборат. Бу эса ўз навбатида туман партия кенгашининг салоҳиятини кўрсатувчи муҳим омиллардандир.

Ҳа, Анваржон ака таъкидлаганидек, мақсад партия аъзолари сафини кенгайтириш эмас, балки ана шу партия сафида ҳалол, виждонли, элим деб, халқим деб, муқаддас Ватан деб фидойилик кўрсатувчиларни жалб этиш лозимлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Халқимиз ўтган йилларда катта синовларни бошдан кечирган заҳматкаш ва фойдали инсонлар сифатида, улкан тажрибаларни ҳам қалб қўрида мужассамлаштирган. Шу боисдан ҳам янгиланиш жараёнида партиялар йўриқлари. Дастур ва Низомлари улар қалбидан кенг ўрин олмоқда.

— Ташвиқот ва тарғиботга ҳам кўп нарса боғлиқ, — дейди Анваржон ака, — Илгарилари юқорининг кўрсатмаси билан корхона ва ташкилотлардан партия сафига кирувчилар «ёлланса» эндиликда биз Дастур ва Низомда қандай кўрсатилган бўлса худди шундай иш юритаяпмиз. Масалан, туман Кенгаши туман ҳокимлиги билан бамаслаҳат иш кўриб, ўн нафардан ортиқ кишидан иборат ташвиқот ва тарғибот гуруҳи тузиб, унга партия фаоллари, маҳалла қўмиталарининг вакиллари, зиёлилар жалб этилган. Боз устига, ҳозирча натижалар чакки эмас. Мазкур гуруҳ аъзолари жойларда туман аҳли билан юзма-юз мулоқотлар олиб бориб, партиянинг йўналиши, юртбошимизнинг Ўзбекистон Олий Мажлисининг биринчи ва иккинчи сессияларидаги сўзлаган маърузалари аҳамияти ҳақида тушунчалар бераяптилар.

Албатта, ташвиқот ва тарғиботдан бошқа ишларингиз ҳам борми? — деган савол туғилиши мумкин. Бор. Масалан, туман кенгаши мафкура бўлими аъзолари маҳаллаларда, болалар уйларида, корхона ва ишлаб чиқариш ташкилотларида бўлишиб, «Бир пиёла чой устида», «Отахонлар даврасида», «Соғлом авлод — юртга қанот», «Ёшлар — бизнинг келажагимиз», «Шу азиз Ватан — барчамизникі», «Истиқлол бор жойда юксалиш бўлади», «Юртим-ифтихорим» каби мавзуларда кечалар, турли мушоиралар ўтказиляптики, бундан аҳоли кувонмоқда, манфаат кўрмоқда. Шунингдек, дам олиш кунларида ҳам мавжуд истироҳат боғларида қўплаб тадбирларни уюштириш йўлга қўйилган.

Яна бир муҳим жиҳати, партия ташкилоти мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, уни хусусийлаштириш, иқтисодий-ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ишбилармонлик ва тадбиркорликни ривожлантириш, истеъмол бозорини маҳсулотлар тури билан тўлдириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор Фармонларини бажариш ва ҳаётга татбиқ этишда жонбозлик кўрсатмоқда. Маиший хизмат, савдо, маҳаллий саноат соҳаларида аҳоли талабларини қондириш, энг муҳими, иқтисодий шароитда истеъмол бозорини маҳсулот билан тўлдиришга катта эътибор берилмоқда.

Умуман, «Адолат» социал-демократик партиясининг нуфузини ошириш ҳамда омма ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришда қайси тамойилларга кўпроқ эътибор берилиши керак, деган савол юзасидан Кенгаш аъзолари билан фикрлашиб олдик ва бу борада алоҳида йўриқнома ҳам ишлаб чиқдик. Бу йўриқномага кўра, эскича иш юритиш услубига ўхшамаган, келажакка эътувчи, мақсадли вазифалар талайгина. Айтайлик, биринчи галда аҳоли билан яқиндан ёндошиш бошланғич партия ташкилотлари илгариларидаги сингари фақат мажлисбозлик билан шуғулланмасдан, ишлаб чиқаришда ишбилармонликни таркиб топтириш, шунингдек, қоғозларда маълумот бермасдан ҳар ўн кунда туман кенгашига келиб олиб бораётган ташкилий-партиявий, мафкуравий ишлари юзасидан ахборотлар бериб туриш кўзда тутилган.

Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳозир сафимизга қўшилаётганларнинг аксарияти, илгари партияда бўлмаганларни ташкил этяпти. Қизиқиб сўраганимизда эса «Адолат» партиясининг Дастур ва Низоми ўзларига маъқул келганлигини таъкидлашмоқдалар. Лекин ана шу борада бир муаммомиз ҳам бор. Аъзоларимизни партия билетлари билан таъминлаш ишлари анча кечикяпти. Келгусида юқори ташкилотлар ана шу масалани тезроқ ҳал этиб берсалар, нур устига аъло нур бўларди. Бир сўз билан айтганда, Чуст тумани партия Кенгаши аъзоларининг қилаётган ишлари ибратлидир. Лекин ҳали амалга оширилиши лозим бўлган режалар ҳам бир талай. Чунончи, ишлаб чиқаришда бошқаларга ўрнак бўлаётган партия аъзоларини вақти-вақти билан рағбатлантириш, ишбилармон ва тадбиркорлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, бошланғич ташкилотларни кенг шакллантириб, мустаҳкам интизомни барқарорлаштириш шулар жумласидандир.

Лекин нима бўлганда ҳам, эзгу мақсад йўлида тамал тоши қўйилганлиги уларнинг айни пайтда олиб бораётган ишларидан ҳам аён бўлиб турибди. Бошланган муқаддас иш вақти-соати келиб, ўзининг ижобий самарасини беришига шубҳа йўқ. Асл «Адолат»чиларнинг эзгу мақсадлари ҳам айнан шундай.

Ҳ. АБДУСАМИЕВ.

ТАДБИРКОРГА ТАН БЕРИШМОҚДА

Мавсум қизиган кунларининг бирида қўққисдан бошланган табиий офат Жиззах «Оқ булоқ» деҳқон-фермер хўжалиги заршунослари режаларини ҳам барбод қилди. Кутилмаган кучли ёмғир, жала эндигина униб чиққан ниҳолларни яксон қилиб кетди. Лекин шунга қарамай, деҳқон-фермер хўжалигининг ёш, тадбиркор раиси Шодибек Кенгашев бошчилигидаги миришкорлар нобуд бўлган ниҳоллар ўринни тўлдириш, қайта экиш ва ишлов беришга киришдилар...

Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, деган ибратли ибора бор халқимизда. Айни пайтда хўжаликдаги мавжуд экин майдонлари тўла қайтадан ишлаб чиқилди. Экинлар ҳам бир маромда унмоқда. Гап тадбиркор раҳбарнинг ташкилотчилиги ҳақида бораркан у киши ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтишни лозим топдик.

«Оқ булоқ» деҳқон-фермер хўжалиги ташкил этилганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, бир йил ичида янги хўжаликнинг банкда ҳисоб рақами ҳам бор. Қисқа фурсатда хўжаликда илғор тажриба ва фан ютуқлари ишлаб чиқаришга дадиллик билан жорий этила бошланди. Барча майдонларда баҳорги экиш ишлари румин техникаси ёрдамида бажарилди. Янги агротехника ёрдамида ҳар гектар ерга ўртача 120-130 минг туп қўчат бўлиши таъминланди. Бу эса биринчидан, тежамкорликка имкон берган бўлса, иккинчидан, яганаластириш ишларини ҳам енгиллатди.

Хўжаликнинг ўтган йилги эришган ютуқлари натижаси ҳам чакки бўлмади. Аввало, ҳосил йиғим-теримини ўз кучлари билан ўтказишди.

Давлатга 465 тонна пахта етказиб берилиб, йиллик режа 161 фоизга адо этилди. Эндиликда 80 тонна тола жамоа ихтиёрида турибди. Бу эса нақд 4 миллион сўм даромад дегани. «Оқ булоқ»ликлар ана шу толага маҳсулот айрибош қилишиб, ўзлари учун ёғоч, тахта, мой ун ва гуруч ҳамда қишлоқ хўжалик техникаси учун эҳтиёт қисм, янги тракторлар сотиб олиш ниятидалар.

Об-ҳавонинг қандай келишидан қатъий назар бу йилги режалар ҳам чакки эмас. Хўжалик раҳбарияти табиий офат оқибатларини бартараф этишга қаратилган шошилинч чора-тадбирларни амалга оширди. Мавжуд экин майдонларининг каттагина қисми қайтадан экилди. Тожибой Мусаев, Саттор Қўшназаров, Рўзимурод Қўшмуродов сингари қирқ центнерчи звено бошлиқлари пахтачиликда орттирган бой тажрибаларини табиат инжиқликларига қарши қўйишди. Қўшимча ўғит берилиб, ишлов миқдори қўпайтирилди. Маҳаллий ўғитдан самарали фойдаланилмоқда. Қатқалоқ ва илдиз чириш касалликлари ҳавфи бартараф этилмоқда.

Пахтачилик учун бирмунча оғир келган бу йилги шароитда ҳам деҳқон-фермер хўжалиги жамоаси тадбиркорлик билан иш тутмоқда.

Улар давлатга 450 тонна «оқ олтин» етказиб беришга бел боғлашган. Шунингдек, ҳар гектар ердан 40 центнердан ғалла хирмони яратилди.

Соҳиб НАЗАР, журналист.

Тошкент шаҳридаги «Учқун» ҳиссадорлик жамияти бугунги кунда аҳоли талабини қондирадиган сифатли маҳсулотлар билан республикамиз бозорларида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган жамоалардан . Корхона ишчиси Мавлуда Ҳайдарова буерда 32 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Айни кунларда у ёшларга устозлик қилиб, ҳунар ҳам ўргатаяпти.

СУРАТДА: М. Ҳайдарова иш устида.
Р. ШАРИПОВ сурати.

«ЖАВОҲИР» ХИЗМАТИНГИЗДА

Тошкентдаги 1-заргарлик корхонаси Наманган шаҳрида «Жавоҳир» фирма-дўкони очди.

— «Жавоҳир» фирма-дўконимиз халқимизнинг талаб ва истаклари асосида, ҳамда вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан очилди, — дейди унинг директори Мажида Муминова. — Унда тилла, кумуш ва бошқа қимматбаҳо тошлар, дур, жавоҳирлардан ясалган турли хилдаги буюмлар мавжуд. Файзуллахон Ҳожибаққол ўғли ва Матлубабону Нуриддиновалар халқимизга сидқидилдан хизмат қилмоқдалар. Келин-қуёвларга совғалар ва бошқа халқ истеъмоли моллари турларини янада купайтириш ниятидамиз. Яна хайрли ишларимиздан бири шу ерда озиқ-овқат дўконини ҳам очдик. Унда Жалолобод, Тошкент, Чортоқ ва Фарғона минерал сувларидан тортиб,мева-сабзавотлар, қандолат, нон ва сут маҳсулотлари, макароннинг хилма-хил тури мавжуд.

Умуман ҳозирда бу ерда 40 дан ортиқ маҳсулот аҳолига етказиб берилмоқда.

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ, журналист.

ДАСТЛАБКИ БИРЖА САВДОЛАРИ

Андижонлик ишбилармонлар илк бор қимматли қоғозларини шу ернинг ўзида сотиш, хоҳлаган акцияларини сотиб олиш имкониятига эга бўлди. Бу ерда «Тошкент» Республика фонд биржаси биринчи вилоятлараро «Шарқ ЛТД» тармоғининг очилиши ҳамда биржа савдолари ўтказилгани уларга шундай имконият яратиб берди. Унда 24 та акционерлик жамиятининг акциялари ва фонд биржасининг тўртта брокерлик ўрни эркин савдога қўйилди. Тадбир давомида 19 ҳиссадорлик жамиятнинг салкам 10,5 миллион сўмлик акциялари сотилди.

Бу ерда Республика фонд биржаси тармоғининг очилиши ва биржа очиқ савдоларнинг мунтазам ўтказиб турилиши қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантиришга хизмат қилади.

МАМЛАКАТЛАР, ОДАМЛАР, ВОҚЕАЛАР

• Жазоирда республика ҳукумати билан мухолифатдаги ислом қутқариш жабҳаси раҳбарлари ўртасидаги музокаралар натижасиз якунланди. Уч йилдирки, мамлакат сиёсий инқирозни бошидан кечирмоқда. Шу йиллар ичида инқироз туфайли 30 минг жазоирлик оламдан бевақт кўз юмди.

***

• Италия ҳукумати Франциянинг ядро синовлари ўтказишини тўхтатиш учун бирор чора-тадбир кўриш керак, деган қарорга келди. Бу талаб Италия парламенти юқори палатасининг 90 нафардан ортиқ аъзоси имзолаган ҳужжат лойиҳасида баён қилинган.

***

• Англиялик пойгачи Брюс Берсфорд велосипедни тез ҳайдаш бўйича ўрнатилган жаҳон рекордини янгилаш ниятида. У бу мақсадини Жанубий Австралиядаги қуриган кўл юзасида амалга оширишни режалаштирди.

Англиянинг «Лола» компанияси эса пойгачига махсус велосипед ясаб берди. Унинг оғирлиги бор-йўғи 5 килограммдир. Брюснинг фикрича, ушбу ўзига хос машина билан соатига 320 километр йўл босиб ўтиш мумкин бўлади. Бу борада 1985 йилда ўрнатилган сўнгги рекорд эса соатига 240 километрни ташкил этган эди.

***

• Японияниг «Аум Синрикио» диний мазҳаби Россия Федерациясининг космик ракеталари билан қизиққанлиги маълум бўлди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, Япония полициясининг диний мазҳаб раҳбарларидан бири 46 ёшли Кииохидэ Хаякав Россия дафтарчасини қўлга киритган.

***

• Лондондаги буғдой етиштириш масалалари билан шуғулланувчи халқаро Кенгашнинг тахминларига кўра, Россия Федерациясида бу йил 31 миллион тонна буғдой ҳосили етиштирилади. Бу 1994 йилдагига нисбатан 1,2 миллион тонна кам демакдир.

***

• Покистоннинг Карочи шаҳри ҳамон нотинчлигича қолмоқда. Ўтган кунлар ичида экстремистларнинг қуролли ҳужумлари натижасида 15 дан ортиқ киши ҳалок бўлди.

***

• Россия Федерациясининг Ташқи ишлар вазири Тедор Мелешкан билан суҳбати чоғида Шимолий Атлантика блокининг кенгайиб бориши Россиянинг имкониятларини чегараламаслигини таъкидлади.

***

• Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов Эрон ислом республикасига расмий ташриф буюрди. Теҳронда Тожикистон раҳбари Эрон Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний билан учрашди. Музокараларда икки мамлакат ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий соҳаларда ҳамкорлик, шунингдек, Тожикистондаги сиёсий вазиятни барқарорлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

***

• Тез кунларда Буюк Британия, Франция ва АҚШ мудофаа вазирлари Босниядаги вазиятни муҳокама қилиш мақсадида Парижда йиғилади, — деб баёнот берди Франция мудофаа вазири Шарль Мийон. Бу учрашув ушбу уч давлат мудофаа вазирлиги штаби бошлиқларининг куни кеча Лондонда ўтказилган йиғилишининг ўзига хос давомидир.

Испаниянинг Мадрид шаҳридаги кўчаларнинг бири.

• Германиянинг Ремшайд шаҳрида хорижликлар истиқомат қиладиган кўп қаватли уй ёқиб юборилди. Енгин оқибатида 20 нафар киши жароҳатланди ва тутундан заҳарланди, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

***

• Москва шаҳри ҳокимияти йўловчи ташиш жамоат транспортида юриш ҳақини ошириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу йилнинг 21 июлидан бошлаб Россия Федерациясининг пойтахтида шаҳар ичидаги жамоат транспортида юрган йўловчи 800 рубль тўлайди.

• Иқтисодий ислоҳот одимлари

ЭЛ КОРИГА ЯРАШНИНГ ЎЗИ БИР БАХТ

— дейди «Ўзтрансхизмати» акционерлик корхоналари бирлашмаси бошқарувининг раиси Обид ҚЎЧҚОРОВ

Обид Алимович Кўчқоров 1953 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент автомобиль ва йўллари олийгоҳи ва иқтисодиёт доирафунунини тамомлаган. Олий маълумотли мухандис-иқтисодчи. Меҳнат фаолиятини оддий ишчиликдан бошлаган О. Кўчқоров турли жойларда масъул вазифаларни адо этди. 1988-1992 йилларда «Тошвилоятйўловчитранс» бирлашмаси бошлиғининг биринчи муовини бўлиб ишлади. 1992 йилдан буён «Ўзтрансхизмати» акционерлик корхоналари бирлашмаси бошқарувининг раиси.

Халқимизда «Юрт коригa яраган ҳеч қачон кам бўлмайди»,— деган ажойиб гап бор. Зеро, бу олам олижаноб инсонлар — яхшилар, ҳожатбарорлар, ўзгалар учун бажонидил, беминнат хизмат кўрсатишга бел боғлаган кишилар борлиги сабаб яшаради, яшнайди, гуркираб ривож топади. «Ўзтрансхизмати» акционерлик бирлашмаси жамоаси ҳам ана шундай ҳожатбарорлар сирасига киради.

— Ишчан жамоамизни уч мингдан зиёд ходим ташкил қилади,— дейди бирлашма бошқаруви раиси Обид Кўчқоров. — Улар саксон иккита транспорт агентлигини 420 та буюртма қабул қилиш шохобчаларида ишламоқдалар. Қурилиш материалларидан тортиб, савдо базаларигача, шаҳар ва қишлоқ бозорлари ва қатор дўконларда бизнинг хизматимизга эҳтиёж катта. Юксак талабдан келиб чиқиб аҳолига беминнат хизмат кўрсатаяпмиз. Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг мавсумий қабули йўлга қўйилган жойлар, техник қаров ва майда таъмирлаш ишлари бажариладиган пуллик тўхташ жойларида ҳам ходимларимиз юрт коригa яраяпти.

Маълумки, ҳозирги иқтисодий танглик даврида моддий-техника таъминотини ташкил этиш, техник хизмат кўрсатиш ишини барқарорлаштиришнинг бош омили ҳисобланади. Йил давомида бирлашма бўйича мингдан ортиқ гилдирак, тўққиз юзга яқин аккумулятор сотиб олинди. Бу кўрсткич бизни сира ҳам қониқтирмайди. Бир нарсани айтай: бошқарув кенгашида «Тармоқни иқтисодий ислоҳ қилиш, барқарорлаштириш ва ривожлантиришнинг йиллик Дастури» қабул қилинган. Ундан келиб чиқиб бирлашма миқёсида алоҳида хизмат турларини ташкил этишга келишиб олдик. Саъйи ҳаракатларимиз зое кетгани йўқ. Ҳозирги кунда республикамизнинг кўпгина вилоятларида ишлармиз ўз самарасини бермоқда.

— Обид Алимович, юртимизда ҳозир айни пишиқчилик палласи. Шаҳар аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга сизлар қандай улуш қўшаяпсизлар?

— Дарҳақиқат, бу масала шу кунинг энг долзарб вазифаси. Қишлоқ меҳнаткашлари катта меҳнат эвазига етиштирган ноз-неъматни вақтида, уринтирмай шаҳарликлар дастурхонига етказиб беришдек шарафли вазифани ҳам ўз зиммамизга олганмиз. Ана шу тадбирни амалга ошириш борасида ҳозир талай ишлар қилинмоқда. Масалан, шаҳримиз бозорларини ёз неъматлари билан таъминлаш учун икки юздан зиёд автомобиль сафарбар қилинган. Айниқса, 28 та йўналиш бўйича 44 та юкли йўловчи ташиш автобусларининг хизматидан қишлоқ аҳолиси мамнун. Эрта тонгда улар етиштирилган маҳсулотни Тошкент шаҳри бозорларига етказиб бериш ҳамда кечқурун деҳқонларни ўз манзилларига элтиб қўйиш вазифасини кўнгилдагидек уддаламоқдалар. Бу йўналишлар Тошкент вилоятининг қатор туманларидаги мутасадди раҳбарлар билан келишилган ҳолда амалга оширилмоқда.

— Бирлашмада мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида қилинаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Ҳозирги кунда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича бирлашманинг 16 та корхонаси очиқ тўсдаги акционерлик жамиятларига, биттаси жамоа корхонасига айлантирилган. Уларнинг барчасида корхоналар мулкининг 49 фоизига акциялар чиқарилди ва жамоа аъзолари ўртасида тарқатилди. «Ташвилоятрансэкспедиция»си эса корхона давлат мулкининг 74 фоизини сотиб олди.

— Бирлашма жамоасининг иши жуда масъулиятли ва кенг қамровли. Уларни амалга оширишда табиийки, муаммолар ҳам бўлса керак?

— Очиғини айтиш керак, иш бор жойда қийинчилик, камчилик ва тўсиқлар бўлади. Бирлашма қарамоғидаги автотранспорт воситаларининг қарийб етмиш фоизи ўз муддатини ўтаб бўлган автомобиллардир. Аҳолига транспорт-экспедиция хизмати кўрсатиш соҳасининг ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб корхоналар транспорт воситалари солигидан озод қилинса мақсадга мувофиқ иш бўларди. Бу ўз навбатида бозордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархини пасайтиришда ижобий натижалар беради, деб ўйлайман.

... Мен қувончли воқеаларнинг тез-тез шоҳиди бўлиб тураман: карнайсурнай садоси авжига чиққан тўйларимизнинг кўпи замонавий машиналарсиз ўтмайди. Янги ҳаётга қадам қўяётган бахтиёр ёшларимиз айниқса, «Чайка» машиналарида никоҳдан ўтгани боришни афзал кўрадилар. Уларга кўпни кўрган отахон-онахонлар оқ фотиҳа бериб кузатиб қолишади. Қайтганларида эса гуллар билан олқишлаб оладилар. Ичкарида «Тўйлар муборак» янграйди. Шундай: бирлашманинг кириб бормаган соҳаси йўқ.

Саодат ЙЎЛДОШЕВА, «Адолат» мухбири.

• Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг

АТИРГУЛ БИЛАН УЧРАШУВ

— 1989 йил кеч кузида 8 яшар набирам билан гулзор ёнидан ўтиб бораётган эдик, — деб ёзади сочилик В.Николайди, — биз шошиб кетаётган бўлсакда очилиб турган бир туп атиргулга кўзим тушиб қолдию, таққа-тақ тўхтаб, гулга қулимни ўздим. Ва набирамга: — Виола, мана бу гулга қара, жуда нафис экан! — дедим. Атиргул бир силкинди, барглари титраб гулнинг ўзи менга бош чайқагандай бўлди. Мен ҳайратда қолдим. Виола эса: — Буви, гул сиз билан гаплашяпти» — деб қичқириб юборди.

Мен унинг ёнида очилиб турган бошқа гулларга назар ташласам, улар қимир этмай туришарди. Эртасига яна атайин ана шу гулзор ёнига борган эдим, ҳалиги гул узоқдан мени пайқаши билан чайқала бошлади: мен уни ёнига боргандим, гул ичидан кексароқ бир эркак кишининг қиёфаси яққол кўзимга ташланди. Кейинги кунларда мен гул ичида гоҳо Леонардо да Винчига ўхшаган одам қиёфасини, гоҳ аёл билан қиз қиёфасини яққол кўрдим. Гул билан ҳар гал учрашганим сайин кайфиятим ва ҳолатим яхшилана борди.

1990 йил февраль ойида уйқу олдидан мен балкон томонга қараганча коинот ҳақида, бошқа оламлар ҳақида ўйлаб ётган эдим, кўзимга бир юлдуз кўринди... Кўзимни юмиб олдим. Шунда қандайдир нур манбаи ёғду сочиб турганини ҳис қилдим. Ана шу сайёрада маърифат бормикан?-деб ўйлаб турган эдим, дафъатан кўзга кўринмас бир шахс менга бир манзара кетидан иккинчи манзарани намойиш қила бошлади. Биринчи манзара оппоқ чойшабда ялонгоч эркак билан аёл ётарди. Иккинчи манзара аквариумга ўхшаш идишда балиққа ўхшаган майда мавжудотлар сузиб юришарди.

Ушандан бери деярли ҳар куни кечқурин уйқу олдидан кўзимни юмиб (уйғоқ ҳолатда) муаллақ турган қўплаб кишиларнинг суратини асосан, кексалар, баъзан ёшларнинг ва қизларнинг ҳам суратини кўриб тураман. Уларнинг ҳаммаси қандайдир машҳур, нуфузли одамлар бўлишади, лекин ким эканликларини таний олмайман.

Баъзан ўзим ўйлаган одамларни: Ванга, Кашпировский, Александр Мень сингари одамларни кўраман. Улар ниҳоятда равшан намоён бўлишади. Кўрган нарсаларимни ёзмоқчи ҳам бўлдим. Лекин буларнинг кимга кераги бор, менинг ёзувларимни ким ҳам ўқирди?

Бир неча бор одамларнинг илтимосига кўра уларга яқин бўлган ва йўқолиб қолган бирор кишининг тирикми ёки ўлик эканлигини аниқлаб беришга ҳаракат қилдим. Йўқолган одамнинг тирик ҳолда кўрсам, кайфиятим ва ҳолатим яхшиланади. Қидирилаётган одамнинг ҳалок бўлганлигини кўрсам, кўнглим гаш бўлиб, ҳам жисмонан, ҳам руҳан эзиламан.

Оғир жудоликка дучор бўлдим — меҳрибон онам оламдан ўтди. Ўзимни етим ва ёлғиз қолганлигимни ҳис қилиб, фикран дунёдаги барча илохий кучлардан онам у дунёда қийналмай ётишини илтимос қилдим.

Эрталаб балконда кўзимни юмиб ётганимда дафъатан менинг шундоқ тепамда тўғри бурчакли ёрқин порлаб турган экран намоён бўлди. Сўнгра шу экраннинг юқори қисмида тухумнинг саригига ўхшаган, олтинсимон ярқироқ бир нарса пайдо бўлди, унинг ўртасида катта кўз тикилиб турарди. Сентябрь ойида, тунда ўзимни қушдек енгил сезиб, юлдузлар сари парвоз қилдим. Коинотда сузиб кетаётганимни ҳис қилдим. Атрофимдаги юлдузлар жуда катта ва ёрқин бўлиб, уларнинг ортида ёғду сочилиб турган доира намоён бўлди. Коинотда парвоз қилишнинг ҳузурини сўз билан таърифлаб бўлмайди, лекин мен жуда узоққа учиб, адашиб қолишимдан, уйимга қайтиб келолмаслигимдан қўрқар эдим. Мен бундай саёҳатларга тайёр эмаслигимни сездим, лекин бу нарса менга жуда катта бахт бағишлади. Бир неча кунгача ўта завқланиб юрдим...

Ана шундай ажойиботларнинг энг қизиқ томони шундаки, мен ўз кучимга ишониб, жуда бахтиёр киши бўлиб қолдим. Буларнинг ҳаммасини коинотга мансуб ақлнинг буюк иноъоми деб биламан, лекин мен осий банда бунга лойиқмиканман, деган ҳаёлга бориб қоламан. Мен фақат ана шу икки йилдан бери ҳақиқий ҳаёт кечираётирман, унгача менинг ҳаёт йўлим ўнча тўғри бўлмаган деган ҳаёлга бораман. Менинг кўзим очилишида кўмаклашиш учун табиат менга ҳатто башорат қилиш қобилиятини ҳадя этди. Умуман олганда, табиат менга шундай саховат кўрсатган экан, энди мен унинг ишончини оқлашим керак.

Хўш, бундан буён қандай яшашим керак? Мен бу дунёда оддий бир одамман. Лекин шу йиллар ичида мени ҳаётга, одамларга муносабатим ўзгарди. Яхшироқ, покроқ, меҳрибонроқ бўлишга ҳаракат қиляпман. Менга қандайдир меҳридарё, оқил кучлар ёрдам бераётганини сезиб турибман.

«СЕМЬЯ» журналидан Маъмуржон УМАРАЛИ таржимаси.

ТАБРИКЛАР ВА СОВҒАЛАР

**• Тошкентда илк

• Одобнома

Биз бугундан эътиборан газета саҳифаларида «Одобнома» рукни остида кишиларни инсоф ва диёнатга, ҳақиқат ва адолатга, меҳр ва оқибатга, ота-боболаримизнинг удумларини, халқимиз анъаналарини ҳурмат қилишга, уқиб ўрганишга чорловчи мақолалар эълон қилиб борамиз. Қуйида ана шу рукндаги илк мақолани ўқийсиз.

ОДАМ БЎЛИШ ҚИЙИН

Бу гулшан ичра йўқдир бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.
Алишер НАВОИЙ

... Суд қора курсисида навқирон йигит ўтирибди. У қотилликда айбланаяпти. Ўзи тенги икки дўстининг умрига завол бўлди. Уни энг олий жазо — ўлим жазоси кутмоқда.

Хўш, уни бундай разолат ботқоғига ботишга нима мажбур қилди?

Нафс, пулга сажда қўйиш, пул деб ўз дўстига болта кўтарди... Дўстини ўлдириб, ёнидаги ҳамёнини олмоқчи бўлди...

Жиноят тафсилотига ўтишдан олдин гапни бироз узоқдан бошлашга тўғри келади. Чунки ҳикоямиз уч нарса — НАФС, ПУЛ ва ниҳоят, ҚОТИЛЛИК ҳақида.

Улуғ мутафаккирлар бойликка интилишни маънавий пучлик деб билганлар. Грек файласуфи Платон буни жуда тўғри изоҳлаб, шундай деган эди: «Олтин ва саховат тарозининг икки палласига ўхшайди, булардан бири кўтарилмай туриб, иккинчиси пастга тушолмайди. Инсонда олтин қанча кўпайса, саховат шунча камаяди».

Файласуфнинг бу гапида жон бор. Тарихдан бизга маълумки, бойлик, олтин дея қанчадан-қанча бегуноҳ қонлар тўкилган. Лекин бунинг фойдаси борми-ди? Бойлик абадийликми? Инсон бу дунёдан у дунёга нима олиб кетади? Искандар Зулқарнайннинг тобутдан чиқариб қўйган беш панжаси нега бизга ибрат бўла олмайди?!.

... Кун пешиндан оққанда тўрт улфат учрашди. «Улфати чор анда маза бор» дея бир-бирини узоқ муддат кўрмаган дўстлардек ялаб-юлқашди. Чўнтаклар титкиланиб, қиттак-қиттак қилишди. Бир шиша камлик қилди. Иккинчи бўш шиша ерга думалаганда, тиллар ҳам бурролашиб қолганди. Суҳбат эса қизигандан қизиб борарди. Нафс қурғур эса очкўзлигини қўймасди.

— Қани энди яна юзтадан отсак, аканг қарагай бўлардик-да, — деди улфатлардан бири М.

— Кетдик, — деди шерикларидан бири Қ. — Чигатойга борамиз. Бир сизларни шашлик билан меҳмон қилай. Пул бўлса бор, мана, — у қўйнидан бир даста пулни олиб намойиш қилди. У ерни Шанхай дейдилар, — жондан бошқа нарса топилади. Кетдик...

Улфатлар Чигатойга келиб, хонадондаги ширкат кабобхонада обдон тўйишди. Кўзлар ғилак тортиб, тиллар ғўлдираб қолди. Аммо кўнгил тўлса ҳам кўз тўймасди. Сўнг «Баҳор» ресторанидаги официантларни ҳам «хафа» қилишмади. Шароб таъсиридан миялар суюлди. «Майнинг ҳар қатраси — ақлни тўсар пардаси» деганларидек, дилни қабиҳ ниятлар ўртади-қўйди. Қ.нинг чўнтагилдаги пулларни кўрган М.нинг хаёли қочди. «Нима бўлса ҳам пулларни олиш керак» дея ғижинди. Икки улфатини бир амаллаб йўлда қолдириб, Қ.ни мен билан кетади, деб уйига олиб кетди...

Ривоят қилишларича, қадим замонда бир ёлғиз кампир бор экан. Унинг чиройли товуғи бўлиб, ҳар икки кунда бир марта тухум қилар экан. Кампир эса товуғини «хасис»ликда айблаб, битта тухум олишга қаноат қилмасди. Кунлардан бирида у ўзича ғўлдирабди:

— Шошма, бу ўлгур товуғимнинг ичида тухум хазинаси борга ўхшайди. Бекорга мени алдаб тухум қилмаяпти. Ке, ундан кўра қорнини ёриб, ҳамма тухумини олиб қўя қолай.

Кампир дарҳол бечора товуқни суйибди. Лекин товуқнинг қорнидан бир дона ҳам тухум чиқмабди. Товуғидан ажраган нодон кампир бошини чангаллаб қолибди.

... М. ҳам полда қип-қизил қонга беланиб ётган дўстининг қўйнига қўл суқиб, кампирнинг ҳолига тушгач, бошини чангаллаб қолди. Қон иси келаётган пуллар бор-йўғи 300 сўм эди... Уч юз сўмга ўз дўстини уйига олиб келиб, ухлатиб, бошига, кўксига болта билан уриб ваҳшийларча ўлдирди...

Ахир улар 15 йиллик дўст эди, синашта эди. Нега шайтон йўлдан урди? Қани, меҳр-оқибат, одамийлик? Наҳотки, инсон бойлик деб бир зумда ваҳшийга айланса? Бу каби саволлар чексиз. Баъзан ўйлаб жавобини топгандек ҳам бўласан, киши.

Бир донишманд шундай деган эди: «Шароб кишини тўрт куйга солади. Ичган замон киши гердайиб, товусга ўхшаб саллонасаллона қадам ташлайди. Бир оздан кейин маймун бўлиб, ҳаммани кулдиради. Кейинроқ шер бўлиб, атрофидагиларга ҳамла қилади. Охири чўчқа бўлиб, ботқоққа беланиб ётади...» Агар «чор улфат» ароққа бўкмаганида мана шу қотиллик ҳам рўй бермасди...

Эрталаб шаҳар ички ишлар бошқармаси навбатчисининг телефони жиринглаб қолди.

— Алло, ким бу?

— Навбатчи эшитади...

— Халқа йўл ёқасидаги ахлатхонада қопга солинган кишининг жасади ётибди. Биз ахлат ташлагани келиб кўриб қолдик.

Тезкор гуруҳ зудлик билан йўлга чиқди. Жасад экспертизадан ўтказилди. Қилни қирқ ёрувчи изқувар, терговчилар бу қотилнинг интиҳосига етдилар.

... Залда қотилга гоҳ ачиниб, гоҳ нафрат билан термулиб ўтирганларнинг хаёлидан сўзсиз «Шу ҳам одамми, одам қиёфасидаги иблис-ку!» деган ўйнинг кечаётгани аниқ. Бир бурда мурғак ғудакни суйиб, ардоқлаб, вояга етказган ота-онанинг аҳволи не кечаяпти?.. Шубҳасиз, бу саволлар суд ҳайъатини ҳам ўйлатиб қўйганди. Улар олдида биргина қотил устидан ҳукм чиқариб қўйишгина эмас, балки бу жиноятнинг илдизини, унинг моҳиятини батамом очиб ташлаш вазифаси ҳам турарди. Токи бу даҳшатли фожеа бошқаларга ҳам абадул-абад сабоқ бўлсин...

Ота-боболаримиз доимо инсонийликни юксак қадрлаб келганлар. Улуг бобомиз Алишер Навоий айтганларидек, одам ўз умри мобайнида инсондек яшаши, бу азиз ва табаррук номни эъзозлаши, эзгулик уруғини сочиб, ўзидан яхши ном қолдирмоғи лозим. Афсуски, доимо шундай бўлавермайди. Бир пайтлари ота-боболаримиз очиқ ташлаб ёки ип билан номигагина боғлаб кетган эшикларни ҳозир отнинг калласидек қулф билан тамғалашга, киймай, емай-ичмай хонадонимизга темир эшик ўрнатишга ёки соқчилик пультига беришга мажбурмиз. Чунки шўролар инқилобидан кейин, аниқроғи 50-йиллардан кейин Ўзбекистонда инсонийликнинг чегарасидан чиқиб, нопок йўллар билан бойлик орттирмоқчи бўлган кимсалар кўпайиб кетган. Улар халқ, давлат мулкига кўз олайтирадилар, инсоннинг умр бўйи топган-тутганини бир соатда «шипириб» кетадилар. Натижада киши эшитса бир бор сесканиб тушувчи — «ўғри» деган жирканч номни оладилар. Лекин бу қабиҳ номни ўчириб, бу қора доғни ювиб бўлармикан?! Одатда, кўпинча, ғайри-табиий ҳодисалар тунда содир бўлади. Бу ўз-ўзидан тушунарли. Айтайлик, ўғри, талончи, киши умрига тажовуз этувчи учун тун ниқоб вазифасини ўтайди. Бундай кишилар кўршапалакдек ёруғликдан қўрқадилар. Чунки кундузи уларни сезиш, кўриш, қувиш ва ушлаш осон кечади. Шунинг учун ҳам классик услубга кўра, барча саргузашт воқеалар «Кунларнинг бирида, оқшом чоғида...» деб бошланади.

Шундай қилиб, кунларнинг бирида, оқшом чоғида сокин даҳа ва маҳаллаларнинг тинчи бузилди-қолди. Куппа-кундузи нотаниш шарпалар шаҳарнинг гоҳ у бурчагида, гоҳ бу бурчагида, пайдо бўлишиб, кимсасиз қолган хонадонларни «шип-шийдон» қилиб кетадиган бўлиб қолишди.

— Ҳой, овсин, эшитдингизми, бугун куппа-кундузи қўшнимизнинг квартирасини тунаб кетишибди-я!

— Вой, ҳалигина шу ерда бир совуқ башарани кўрувдим-а, ўша бўлмасин тагин...

— Нимасини олибди.

— Ҳеч балоси қолмабди. Гилами-ю биллуригача, магнитофону рангли телевизоригача олиб кетибди...

Қўни-қўшниларнинг бундай гап-сўзлари тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Ўн саккиз кишидан иборат ўғрилар гуруҳи жуда усталик билан иш кўрарди. Улар совуқ қурол ва турли ниқоблардан фойдаланишарди.

Одатдагидек, ўғриларнинг «шеф»и шерикларини ўз «қароргоҳи»га чақирди:

— Гап бор деди, — бошлиқ ҳамтовоқларига чап кўзини қисиб. — Чўтирнинг айтишича, у билан таксисаройда ишлайдиган бир «бойвачча» таниши бормиш. Уникида бўлганда жиҳозларини кўриб, кўзининг пахтаси чиқаёзибди. Разведкамизнинг маълумотига қараганда, бугун унинг уйида ҳеч ким йўқ экан. Қани кетдик.

Улар машинага ўтиришди. Шамолдай учган машина тезда «бойвачча» яшайдиган уйга етиб келди.

— Ҳув анави подъезддаги 2-квартира, — дея ишора қилди Чўтир уй томон. — Бемалол боравергинлар. Мен сизларни машинада кутиб тураман. Япон магнитофони эсинглардан чиқмасин. Унга жуда ҳавасим келган эди...

Шарпалар бир зумда уй йўлагида пайдо бўлдилар. С. бўлса такси эшигини очиб қўйиб, хотиржам «мижоз» кута бошлади.

Қулф бузишнинг устаси бўлиб кетган «шеф» бир зумда хонадон эшигини «тинчитди». Бошқалар хонага ўқдек отилиб киришди. Бироқ улар ичкарида кутилмаган мезбонга дуч келдилар. Буни кутмаган ўғрилар ҳам бир зум довдираб қолишди. Ўз навбатида ҳали балоғатга етмаган 15 ёшли ўспирин ҳам чақирилмаган меҳмонларнинг турқи-тароватини кўриб эс-ҳушидан озаёзди. «Шеф» қўлида ялтираган болтасини, Чўтир эса бир қарич ўткир пичоғини пишқирганича ғудак болага ўқталди:

— Қани, жонингдан умидинг бўлса шкафга кир, болакай. Акс ҳолда...

Улар болани турткилаб-суруткилаб шифонерга қамаб қўйдилар. Ўғрилар бир зумда тинтувга ўтиб кетдилар. Уйдаги жиҳозларни кўриб кўзлари чақнай бошлади. Кўзларига нима яхши кўринса, шуни ола бошладилар. Биринчи навбатда Японияда тайёрланган магнитофонни, «Мелодия — 106» магнитоласини ва бошқа қимматбаҳо буюмларни ўмаришди.

Кечқурун ишдан қайтиб келган уй эгаси уйига кириб ҳангуманг бўлиб қолди. Шинам квартира худди эгаси кўчиб кетгандек ҳувиллаб қолган эди. Орадан бир кун ўтмай Юнусобод туманида истиқомат қилувчи Л. ҳам шундай аҳволга тушди.

— Эндигина эшикка яқинлашганимни биламан, — дея ҳикоя қилади у, — ичкаридан уч киши отилиб чиқиб, томоғимдан ғиппа бўғишди. Қўрққанимдан дамим чиқмай қолди. «Овозингни чиқарсанг ўласан» деган товушдан эс-ҳушимни йўқотдим. Улар мендан хонадаги қимматбаҳо буюмларни ўз қўлим билан олиб беришимни талаб қилишди...

Ниқобли ўғриларнинг фаолияти «жадаллашиб» борарди. Бундай разилликка қўл урган ўғрилар эрта-индин тошга тегишини бутунлай унутган эдилар. Улар ҳеч нарсадан қўрқмас, «пулинг бўлса — чангалда шўрва» деган қабилда иш тутардилар.

Шаҳар милиция органлари қошида тузилган тезкор гуруҳ эрта-ю, кеч ишлар эди. Улар ҳар бир изни ўрганишга, содир этилган ўғриликни синчиклаб таҳлил қилишга киришган эдилар. Текширишлар натижаси шаҳардаги ўғриликларни фақат битта гуруҳ амалга ошираётганлиги тезда уларга сир бўлмай қолди...

Яқинда муҳарририятга бир аёл кириб келди. Унинг қўлида рўзнома бор эди. Салом-аликсиз бизга ўшқира кетди:

— Манавини ким ёзди, — деди у рўзноманинг тўртинчи бетида ёритилган суд материалини кўрсатиб. Биз сўз очишга улгурмай, у бидирлай кетди:

— Менга муаллифини кўрсатасиз, тамом, вассалом.

— Нима, эътирозингиз бормиди?

— Бошдан оёқ нотўғри. Менинг болам жиноятчи эмас. Бекордан-бекорга қамалиб кетаверадими?

Ҳайрат билан аёлга термулдик. Ё тавба, узил-кесил ҳал этилган суд ҳукми наҳотки, нотўғри бўлса? Унинг «бегуноҳ» ўғли наҳот кимларнингдир айби билан қамалган бўлса? Наҳот одил суд шу масалада нодонлик қилган бўлса?

Тўғри, аёлнинг ўғлига ён босиши табиий. Ахир қайси она ўз фарзандини ёмон дейди. Лекин шу ўринда бир нарса бизни таажжубга солади. Наҳотки, жигарбандини юракдан севган, унинг жиноятчи эканлигини тан олишга тили бормаётган мана шу она ўғлининг қилмишида шахсан ўзининг ҳам улуши борлигини ҳамон тушунмаётган бўлса?

Ҳа, назаримизда у тушунмаяпти. Агар тушунганида бировлардан ўпкалаб юрмасди. Боз устига, ўзини оқ, ўзгаларни қора қилмасди. Агар тушунганида ўз айбига иқрор бўларди. Ўғлининг босар-тусаридан бехабар қолгани учун ўзини лаънатларди.

Фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўрни алоҳида эканлиги эндиликда ҳаммага аён. Бу борада халқимиз, «Қуш уясида кўрганини қилади» деган доно сўз айтган. Бас, ишонч билан шуни айта оламизки, агар бу «жанжалкаш» аёлнинг оиласида тотувлик, одоб-аҳлоқ, ширинсуханлик бўлганида, балки ўғли жиноят кўчасига кирмасди, ичкиликка берилмасди. Бегуноҳ кишиларга озор бериб, қанча-қанча содда дилларга ташвиш уруғини сочмасди.

Яхшиямки, ўғил вақтида жиловланди. Уни нотўғри йўлдан қайтариш бегона кишилар зиммасига тушди. Бўлмаса ўғилнинг ҳам, онанинг ҳам аҳволи бундан аянчлироқ бўларди.

Биз ҳикоя қилаётган жиноятчиларнинг энг каттаси 29 ёшга борган, қолганлари эса 19-20 ёшда. Кўпчилиги аввал қамалиб чиқиб, «тавбасига таянмаган». Суднинг қора курсисида ўтирган бу 18 нафар йигитларнинг ҳам ота-оналари бор. Эндиликда уларнинг ҳам боши эгилган. Тўғрида, фарзанди жиноятчи деган ном олган ота-она теварак-атрофдан боқиб турган жабрдийда одамлар кўзига қандай қарай олади?

Ота-она меҳр-муҳаббати муқаддас туйғу. Буни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин фарзандини ортиқча эркалатиш, кўр-кўрона муҳаббат туйғуси — кўпинча, манфаатпарастлик, ёлғончилик, шафқатсизлик каби иллатларнинг рўёбга чиқишига сабаб бўлади. Кўр-кўрона севилган фарзанд ота-она учун қўғирчоқ, бамисоли қўғирчоққа айланади. Ҳолбуки, болани эса қўғирчоқ қилиб эмас, балки ҳақиқий инсон қилиб тарбиялаш керак. Бундай инсон ҳақиқий меҳр-муҳаббатга лойиқдир.

Хотима ўрнида шуни айтиш керакки, текин томоқ барибир тешиб чиқади. Ўғирлик ош баданга юқмайди. Бунга бефарқ қараганлар бир кун эмас, бир кун боши «тақ» этиб деворга текканда кўзлари мошдек очилади. Мана, суд қора курсисида ўтирган жиноятчиларнинг ҳам, уларнинг ота-оналарининг ҳам кўзларида жиққа ёш. Бу бизнингча, алам-ўкинч ёшлари бўлса керак. Чунки бир пайтлари бу ота-оналар ўз ўғиллари билан, уларнинг «қаҳрамонликлари» билан фахрланардилар, «топиштутиши»дан хурсанд эдилар. Бироқ улар қингир ишнинг оқибати нима билан тугашини ўйлашни хоҳламасдилар, истамасдилар. Аксинча, ўғилларининг нопок йўл билан топиб келаётган бойлигига шерик бўлар эдилар. Уларнинг юзи шувут бўлди. Эл-юрт, дўст-ёр олдида юзлари қаро бўлди. Инсон учун бундай маломат тошини кўтаришдан оғир юк бўлмаса керак. Шунга айтадиларда, одам бўлиш қийин, деб. Шундай эмасми?

Тўхтамурод ТОШЕВ.

Ойнаи жаҳонда

24 — 30 июль

ДУШАНБА, 24

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Вася исмли бола ва овчи мушук ҳақида". Мультфильм.
18.20 "Ёшлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб".
18.55 "Ўзбек давлатчилиги тарихи".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Тўхтасин Жалилов номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
20.30 Телеоператор нигоҳида: "Хива".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Ватанни севмоқ иймондандир..."
22.20 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 1-қисм.
23.40 Эълонлар.
23.45—00.10 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Кўзмунчоқ".
19.00 "Шифокор билан мулоқот".
19.45 "Деҳқон ҳиммати".
20.15—21.50 "Ҳамма нарсани бир лаҳза ҳал қилади". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.10—20.45
•
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45—00.20
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
•
18.40 "Мульткарусель".
18.55 "Дўстлар сайёраси".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
•
"ОМАД" таништиради:

19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45 Жаҳон географияси.
21.35 Эълонлар.
21.40 Видео — "О".
23.20 Эълонлар.
23.25 "Курьер".
23.45 "...яна об-ҳаво ҳақида".
23.55—00.05 "Постфактум".

СЕШАНБА, 25

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
•
8.00 Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 1-қисм (такрор.).
9.20 Немис тили.
9.50 "Кашф этилаётган имкониятлар".
10.10 "Абитуриент-95". Физика.
10.50 "Ёшлик" студияси. "Мактубларингизни ўқиб".
11.20 — 13.20 "Умидлар йили". Видеоканал.
•••
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Беодоб бола". Мультфильм.
18.20 "Таълим ва ислоҳот".
18.50 "Муножат қилса кўнгиллар". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳадя Юсупова ва хонанда Раҳима Носировалар куйлайди.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Ижоднинг қўш қаноти". Ойбек таваллудининг 90 йиллигига.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Мен туғилган тупроқ".
21.50 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 2-қисм.
23.10 "Олтин мерос". Ўзбекистон халқ артисти Назира Аҳмедова.
23.40 Эълонлар.
23.45 — 00.10 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

18.30 "Мультфейерверк".
19.00 "Табиат дунёси".
19.50 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.10 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
21.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.25 Видеогид.
21.45 "Теле-ателье-шоу".
21.55 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.35—00.15 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30—8.00
•••
18.10—20.40
•
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.40—23.55
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
•
18.40 "Мультkарусель".
18.55 "Ёзги бог". Телефильм.
19.05 Шарқ тароналари.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Вазият".
20.20 "Қиймат ва қиммат".
20.55 "Чинсэн" (корейс тилида).
21.35 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.45 "Соккер-клуб".
22.30—22.40 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЧОРШАНБА, 26

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
•
8.00 Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 2-қисм (такрор.).
9.20 "Ёшлик" студияси. "Ёшлар ва замон".
10.00 "Абитуриент-95". Математика.
10.30 "Теран томирлар". Адабий кўрсатув.
11.00 Шифокор маслаҳати.
11.10—13.10 "Биз танлаган йўл". Видеоканал.
•••
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Кўнгироқча".
18.40 Спорт хабарномаси.
18.55 "Буни умр дерлар..."
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров куйлайди.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Фармон ва ижро".
22.30 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 3-қисм.
23.50 Эълонлар.
23.55—00.20 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Ўзим ҳақимда..."
19.00 "Мусиқий меҳмонхона".
20.00 "Оқ йўл!"
20.20 "02" тўлқинида.
20.45 "Тошкент оқшомида".
21.45—23.25 "Кинематограф".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30—8.00
•••
18.10—20.45
•
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45—00.20
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
•
18.45 "Мультkарусель".
19.00 "Салом, Тошкент!" Сосо Павлиашвили куйлайди.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
•
"ОМАД" таништиради:

19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45—23.45 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

ПАЙШАНБА, 27

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
•
8.00 Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 3-қисм (такрор.).
9.20 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.50 "Қишлоқ стадионларида".
10.10 "Абитуриент-95". Она тили ва адабиёт.
10.40 "Анъана ва замон".
11.30—13.30 "Ёшлик" видеоканали.
•••
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Гулгунчалар".
18.30 "Ҳуқуқий жамият сари".
18.55 "Фан уфқлари".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Рақслар гулдастаси".
20.20 "Юзма-юз".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Жиззах вилояти.
22.10 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 4-қисм.
23.30 Эълонлар.
23.35—24.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

18.30 "Омад" тақвими.
18.35 Кўнгил.
18.40 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.00 "Ишингиз бароридан келсин!"
19.10 "Теле-ателье-шоу".
19.20 Видео янгиликлари.
19.40 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.15—22.55 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30—8.00
•••
18.10—20.40
•
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.40—00.45
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
•
18.45 "Мультkарусель".
19.00 "Ўзбекистон — қадрдон уйимиз".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Дидар" (қозоқ тилида).
21.30—22.25 "Дунё ва биз".

ЖУМА, 28

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
•
8.00 Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 4-қисм (такрор.).
9.20 Немис тили.
9.50 "Ёшлик" студияси. "Мўъжизалар оламида".
10.20 Халқ ижодиёти.
10.50 Сирдарё вилоят Боёвут тумани "Ширинжон" ашула ва рақс ансамблининг концерти.
11.20 "Ўқитувчилар, Сизлар учун!"
11.50 "Хотира". Теша Сайдалиев.
12.30 — 14.30 "Маърифат" видеоканали.
•••
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. "Санъат ғунчалари".
18.55 Санъат олами.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак!"
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Маърифатнома".
22.00 "Ҳофизлар хониш қилганда".
22.30 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 5-қисм.
23.50 Эълонлар.
23.55—00.20 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Ёшлар ижро этадилар.
19.00 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
19.30 "Билиб қўйган яхши!"
19.55 "Маънавий камолот".
20.20 "Шаҳар юмушлари".
21.20—22.45 "Хевсур қиссаси". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30—8.00
•••
18.10—20.45
•
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45—00.20
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
•
18.45 "Мультkарусель".
19.00 Чет эл эстрадаси артистларининг концерти.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
•
"ОМАД" таништиради:

19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 "Компьютер-Осиё".
21.35 "Ҳамма табассум учун!".
22.05 "Америка юлдузлари".
22.35 Эълонлар.
22.40 "Даракчи".
22.50 Эълонлар.
22.55 — 00.35 Видео — "О".

ШАНБА, 29

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
•
8.00 Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 5-қисм (такрор.).
9.20 Халқаро конкурс лауреатларининг концерти.
10.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Яшил чироқ".
11.00 "Ёшлик" студияси. "Талабалар саҳнасида".
12.15—14.15 "Маънавият" видеоканали.
•••
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.15 "Ёшлик" студияси. "Иқбол".
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Мозийга бир назар".
20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Азим Муллахонов ва Юлдуз Абдуллаева концерти. "Туркистон" саройидан ёзиб олинган.
22.20 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
22.30 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк".
9.30 "Табиат дунёси".
10.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.40 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.55 Видеогид.
12.15 "Теле-ателье-шоу".
12.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
14.45 —18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".
•••
"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 Ёз ҳикоялари.
19.50 "Менинг кўчам".
20.10 "Пульс". Хабарлар.
20.20—22.00 "Кинематограф".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.25—20.45
•
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45—01.00
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Уммондан томчи".
10.35 "Безнен мирас" (татар тилида).
11.15 "Умид" (уйғур тилида).
11.55 — 13.00 "Бунча ёқимтой бўрилар". Болалар учун фильм.
• • •
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
•
18.40 "Мультkарусель".
18.55 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.20 "Чинор барглари". Телефильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Ёшлик" студияси. "Гул ва..."
20.25 "Кашфиётлар ва ихтиролар".
21.00 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.10 "Рангинкамон" (тожик тилида).
21.55 "Бу ажиб дунё".
22.15 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
22.25—23.25 "Деҳқон даладан қайтди".

ЯКШАНБА, 30

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
•
8.00 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.15 "Қувноқ стартлар".
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Қўшиқларим сизга армуғон".
11.30 "Оталар сўзи— ақлнинг кўзи" почтасидан.
12.30 "Ханда". Телевизион миниатюралар театри.
13.30 —15.30 "Нурли келажак". Видеоканал.
•••
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Мультипанорама".
18.30 "Бир ялқовнинг ҳийласи". Болалар учун телеспектакль.
19.05 "Ойнаи жаҳонда..."
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 "Санъат усталари". Халқ артисти Саодат Қобулова.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Эълонлар.
21.35 ЎзТВ экранида— кинокомедия. "Кўзларим йўлингда" ("Ўзбекфильм").
22.55 Эълонлар.
23.00—23.30 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

10.00 "Омад" тақвими.
10.05 "Кўнгил".
10.10 "Муҳаббатга ошно қалблар".
10.30 "Ишингиз бароридан келсин!"
10.40 "Теле-ателье-шоу".
10.50 Видео янгиликлари.
11.10 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
12.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.45 — 14.30 "Кинонигоҳ".
•••
17.00 "Совға".
17.30 "Салом, Ёшлар!"
18.10 Жаҳон географияси.
19.00 Эълонлар.
19.05 Видео—"О".
20.45 Эълонлар.
20.50 "Курьер".
21.10 "... яна об-ҳаво ҳақида".
21.20 "Постфактум".
21.30 ."Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.50 "Теле-ателье-шоу".
22.10 "Ҳамма табассум учун!".
22.40 Эълонлар.
22.50 "Даракчи".
23.00 Эълонлар.
23.05—00.45 Видео—

Долзарб мавзуда

ТЕСТ — АДОЛАТ МЕЗОНИ

Уқув юртларимизда истеъдодли ва иқтидорли ёшларни танлаб олишнинг тест усули жорий этилганлигига ҳам тўрт йил бўляпти. Хўш, тест-синовлари олий уқув юртларига абитуриентларни қабул қилишда қандай ўрин тутяпти? Қолаверса, келажакда тестнинг аҳамияти қандай бўлади?

Шу саволлар билан Узбекистон Республикаси Давлат тест марказининг директори М. ҚУРБОНОВГА мурожаат қилдик.

— Музроб Муродович, бу йилги тест-синовларида узгаришлар бўладими? Умуман, тестнинг самараси кўзланган мақсадга мувофиқ келаяптими?

— Аввало, бу йилги тест-синовларида муҳим бир янгилик бор, яъни танлаган ихтисослик бўйича ижодий имтиҳон киритилган. Бундай ижодий имтиҳон тест-синовлари бўлгунга қадар баҳоларнинг тест-синовларида кўзда тутилган энг юқори баллнинг нолдан эллик фозигача бўлган балли оралигидаги кўп балл ягона тизими бўйича ўтказилади.

Яна бир жиҳати, бу йилги қоидаларимиз аввалгиларидан фарқ қилади. Бу ҳақда «Узбекистон Республикаси Олий уқув юртларига 1995-1996 ва бундан кейинги уқув йиллари абитуриентларни қабул қилиш тартиби ва қоидаси тўғрисидаги Низом»да батафсил айтилган.

Энди тест-синовларининг ўтган йиллардаги натижалари хусусида тўхталадиган бўлсак, жуда катта самара бор, десам муболаға бўлмайди.

Ўтган йиллардаги тест-синовлари жараёнида абитуриентлар қоидага кўра тест-синов қоғозини қалам билан тўлдирарди. Бунинг натижасида ҳар хил ортиқча гап-сўзларнинг бўлгани рост. Лекин нима бўлганда ҳам бу шубҳа анча баҳс мунозараларга туртки бўлди.

Тўғри, эл оғзига элак тутиб бўлмайди, деган ибора бор халқимизда. Тест-синов жараёнидаги қалам билан белгилаш усули аслида абитуриентнинг манфаатига қаратилган бўлса-да, ўзингиз айтганингиздек, гап-сўзларга сабаб бўлди. Ана шу асоссиз гапларга чек қўйиш ҳамда масалага янада ойдинлик киритиш мақсадида жорий йилдан эътиборан абитуриент тест-синов варақаларини кўк пастали ручкалардан фойдаланган ҳолда тўлдиради.

— Институтга ҳужжат топширган абитуриентларнинг имтиёзли аттестатлари ёки бошқа турдаги имтиёзлар инобатга олинадими?

—Юқошимиз олий уқув юртлари жамоалари олдига таълим-тарбия ва мутахассислар тайёрлашни жаҳон мезонлари даражасида ташкил этиш зарурлигини энг долзарб масалалардан бири сифатида қўймоқда. Бу муҳим ишни тезроқ ҳаётга татбиқ этишнинг бош мезони эса тест-синовларидир. Бунда абитуриентнинг ҳақиқий билимигина асосий вазифани бажаради.

— Тест-синовларининг олий уқув юртларимизда жорий этилганлиги имтиҳонлар жараёнидаги айрим муаммоларга барҳам берди. Бироқ онда-сонда бўлса-да, фалончи ўглини фалон сўм билан институтга киритибди ёки «гаплашса бўлар экан» қабилидаги гап-сўзлар қулоққа чалиниб қолади.

— Асоссиз гаплар бари. Тест-синовлари на таниш-билишчиликни, на ошна-оғайнини ва на жиянни билади. Бунда фақат адолат муҳим босқич ҳисобланади. Яна такрор айтаман, бу ҳақда кўплаб саволлар беришади. Ҳеч бирига ишонмаслик керак. Қолаверса, ана шу асоссиз гапларга чек қўйиш учун ҳам республика аҳамиятига молик газетада тест-синовларини тўлиқ бериб бордик. Зеро, бу саволларга фақат абитуриент тайёрланиб қолмай, балки ота-она ҳам ана шу саволлар орқали фарзанди қобилиятини, билими нечоғли кучга эга эканлигини билиб олиши кўзда тутилган.

— Келажагимиз мезонини янада бойитишда тест-синовлари муҳим ўрин тутишига ишонасизми?

— Тест-синовлари фақат сифатни эмас, самарадорликни ҳам оширади. Илгарилари юқорининг топшириги билан фақат сон белгиланарди. Абитуриент амал-тақал қилиб институтга кириб олгач, борингки, уни битирарди ҳам. Бироқ ишлаб чиқаришга борганда «сифатсиз мутахассис» ўрни дарров билиниб қоларди.

Тест-синовлари эса биринчи навбатда ана шундай бош-бошдоқликларга чек қўйди. Мана, ўтган уч йилги самара ҳар бир институтда, уқув юртида сезиларли даражада кўзга ташланаяпти. Энг муҳими, энди олий даргоҳлардаги мутахассисликларга тўғри келган кишилар эмас, шу соҳага қизиқувчилар, талантли ва истеъдодли ёшлар кириб келмоқда. Тўғри, бирданига бир-икки йилда ҳамма нарса ўзгармаслиги мумкин. Лекин вақт-соати келиб ана шу тест асосида танланган ёшлар панд бермаслигига ишончим комил.

Юртимизнинг келажаги ворисларимиз қўлида. Улар келажакни қандай бошқариши, идрок этиши бугунги кунга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шундай экан, тест-синовлари ҳам бу муҳим ишга масъулият билан ёндошишимизни тақозо этади.

— Юқорида имтиёзларга қисқароқ тўхталгандай бўлдингиз назаримда...

— Узбекистон Республикаси Президентининг 1993 йилдаги «Узбекистон уқувчи-ёшларини рағбатлантириш тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ халқ таълими, маданият вазирликлари, Давлат спорт қўмитаси томонидан ўтказилган халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақаларнинг голиблари давлат комиссиясининг қарори билан тегишли олий уқув юртларига тест-синовларисиз қабул қилинадилар.

— Музроб Муродович, Республикамиздан ташқарида яшовчи узбекларга қандай имтиёзлар бор?

— Республикамиздан ташқарида яшовчи узбек миллати вакилларидан Узбекистонга келиб қишга кириш ниятлари борлиги хусусида кўплаб суровлар олияпмиз. Ҳукуматимиз улар илтимосини инобатга олиб, барча шарт-шароитларни яратмоқда. Шунингдек, Низом қоидаларига кўра улар ҳам Республикамиз абитуриентлари қаторида барча шартларга риоя қиладилар.

Умуман, порлоқ келажагимизни яратишда тест-синовлари адолат мезони бўлиб қолишига ҳеч бир шубҳа йўқ.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ суҳбатлашди.

Эл орасида «Соғ танда соғлом ақл» деган ажойиб нақл бор. Зеро, соғлом муҳитда баркамол фикр ҳукм суради. Юксак салоҳиятли қалбдан эса улуғ манзиллар сари йўл бошланади. Эртанги кунимиз ва ҳаётимизнинг ишончли посбонлари бўлган шифокорлар даврнинг босқичма-босқич, пиллапоясида тобора ривожланиб бормоқда. Маълумки табиблар азалдан халқ орасида алоҳида эъзозланиб келинган.

Табиийки, шифокорларга иши тушмаган «иссиқ жон» бўлмаса керак. Тиббиёт соҳасининг даҳоси Абу Али ибн Сино яшаб ўтган бу ғушада йиллдан-йилга, минг-мингдаб шифокорлар камол топмоқда.

Тошкент уй-жой инвес-молия қурилиши корпорациясига қарашли шифохона ходимлари ҳам халқимизнинг саломатлиги йўлида самарали ишларни амалга оширмоқдалар. Чет эллдан олинган дори-дармонлар ва жиҳозлар ёрдамида беморларга ниҳоятда аъло даражада хизмат кўрсатишмоқда. Шифохонанинг гинекология бўлимидаги олимлар аёлларимиз саломатлиги йўлида катта ишлар қилишмоқда. Мазкур шифохонага тушган қайси бир бемордан сурасангиз у албатта, табиблар хизматидан мамнун эканлигини изҳор этишади.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) гинекология бўлими бошлиғи Нина Акобян, доцент Гуйё Хужаева ва профессор Мақсуд Маҳмудовлар жарроҳлик хонасида беморга ҳаёт бахш этишмоқда.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Ажаб савдолар

«ҚУЁНЛАР»НИ САНАБ САНОҒИГА ЕТМАЙСИЗ...

.Наманган вилояти солиқ хизмати ходимлари аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш қандай ташкил этилгани билан танишишга аҳд қилиб, «Намангантранс» бирлашмаси автобусларида чиптасиз юрган йўловчиларни ҳисоблаб чиқмоқчи бўлишди. Аммо чиптасиз йўловчилар сонини тахминан аниқлаш ҳам жуда қийин иш экан. Чунки уларни санаб саногига етиб бўлмайди...

Бунинг устига, солиқ хизмати нозирларининг кузатишларига қараганда, чиптасиз юрадиган йўловчилардан ташқари, бехиётер чиптасиз қоладиган йўловчилар ҳам кўп экан. Тўғироғи, ҳайдовчилар уларнинг пулини олади-ю, чипта беришни лозим топмайди. Оқибатда автобуслар кассасидаги нақд пулга сотилган билетга нисбатан анча кўп бўлади.

Наманган шаҳридаги 17-автопаркка қарашли бир қанча автобус текширилганида ана шундай ҳоллар аниқланди. Масалан, Наманган — Жумашўй» йўналиши бўйича қатнаётган автобус ҳайдовчиси Э. Аллакаев кассасида 63 сўм ортиқча пул топилди. Бу пул миқдори тагин ҳам ошадиган, чунки автобус салонидаги ўттиз нафар йўловчидан фақат битгасидагина чипта бор эди.

Вилоятдаги бошқа автокорхоналарнинг айрим ҳайдовчилари ҳам ўзлари хоҳлаган йўловчиларгагина чипта беради. Чустдаги 57-автокорхона ходими «Чуст — Косонсой» йўналиши бўйича қатнайдиган автобусни бошқариб, йўловчилардан 900 сўм қира ҳақи олгану чипта бермаган. Касса интизомини мунтазам бузаётган ҳайдовчилар руйхатини яна давом эттириш мумкин. Солиқ хизмати нозирлари 179 та автобусни текширишган бўлса, шундан 152 тасида касса интизомини бузиш ҳоллари аниқланди.

Бундан ташқари, наманганлик бир қанча ҳайдовчилар автобус йўналишларини узбошимчалик билан ўзгартиришади. Чунончи, 11-автопаркнинг бир йўналишда қатнайдиган такси ҳайдовчиси И. Умарова белгилаб қўйилган «ГЭС — Ғузал» йўналиши ёқмади. У узбошимчалик билан «Чорсу — Педбилим юрти» йўналишида ишлай бошлади.

Автокорхоналарнинг раҳбарлари баъзан бундай ишларда ўзлари намуна кўрсатиб турганидан кейин ҳайдовчиларнинг бу хатти-ҳаракатларига ажабланмаса ҳам бўлади. Масалан, Поп туманидаги 12-автокорхона маъмурияти йўловчиларни ташишдан тушган 23 минг сўм пулни давлат банкига ўз вақтида топширишни лозим топмади. Бу катта миқдордаги нақд пул турли мақсадларга сарфлаб юборилди. Корхона раҳбарияти бу сарф-харажатларнинг мақсадга мувофиқлигини тушунтириб бера олмади...

Хулас, йўловчиларга хизмат кўрсатиш савиясининг пастлигига, йўловчилардан кўп эътироз тушаётганига сабаб раҳбарлар одатда пеш қилаётган янги техниканинг етишмаётганлигини эмас. Маҳкуд автобуслардан моҳирлик билан фойдаланиш, айни пайтда ишлаб чиқариш ва молия интизомига қатъий риоя қилиш зарур. Транспорт ходимлари ана шундай ишлашса, солиқ хизмати ходимларининг чиптасиз йўловчиларни санашларига ҳожат ҳам қолмайди.

Н. ХУЖАЕВА.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

— Енгил машинамиз таъмирталаб бўлиб қолган, уни кимошди савдосида сотиш мумкинми? Машинанинг дастлабки сотиш баҳоси қандай белгиланади?

Олим ХУШАҚТОВ.
Фарғона шаҳри.

— Сизнинг хоҳишингизга кўра енгил машинангизни кимошди савдосига қўйса бўлади. Машина нархини бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда ўзингиз белгилайсиз. Қолган маълумотлар бўйича Республика Кўчмас мулк биржасининг вилоят бўлимига мурожаат қилинг.

* * *

— Хусусий фирмамдаги маблағимдан пул ўтказиш йўли орқали кимошди савдосида шахсий ер-участкаси олишим мумкинми?

Н. Бердиев,
Чиноз тумани.

— Мумкин эмас. Чунки сиз ташкил этган кичик корхона (фирма ёки ташкилот) юридик шахс ҳисобланади. Узбекистон республикаси Президентининг 1994 йил 14 ноябрдаги «Ер-участкаларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 25 ноябрдаги қарорига асосан кимошди савдосида фақат фуқароларга уй-жой қуриш учун 4-сотих, томорқа ҳисобида эса 6 сотих ер-участкаси олишга рухсат берилган, холос.

* * *

— Ёшим 60 да, 6 нафар фарзандни тарбияладим. Ҳеч қаерда ишламаганман. Менга пенсия тайинлашларини сўраб туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилсам рад жавоби беришди. Шу тўғрими?

Асалхон Тўраева,
Узбекистон тумани.

— 1994 йил 1 июлдан кучга кирган янги пенсия Қонунида 60 ёшга тўлган, меҳнат стажига эга бўлмаган шахсларга пенсия тайинлаш кўзда тутилган. Турмуш шароитингиз оғир бўлса, ариза билан туман ҳокимлигига мурожаат қилсангиз, нафақа тайинланиши мумкин.

* * *

— 1937 йилда туғилганман, 40 йилдан ортиқ қурилиш соҳасида меҳнат қилдим. Имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?

Э. Мухторов,
Қўқон шаҳри.

— 1994 йил 1 июлдан кучга кирган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига асосан қурилиш муаммоларига умумий иш стажлари 25 йил, бўлиб, шундан камида 12 йили 6 ой мазкур ишда банд бўлган эркаклар 55 ёшга етганларида имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар. Демак, 55 ёшга етганингизда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

* * *

— Иккинчи гуруҳ ногирониман. Электр, газ, сувлардан имтиёзли равишда фойдаланишим мумкинми?

З. Юнусова,
Марғилон шаҳри.

— Амалдаги қонунга мувофиқ умумий касалликдаги II гуруҳ ногиронларига шифокорнинг рецептига асосан дори-дармонларни 50 фоиз арзон нархларда сотиб олиш, қишки, кузги мавсумларда темир йўл, ҳаво йўли транспортларига тўланадиган ҳақнинг 50 фоизини чегириб тўлаш каби имтиёзлар берилган. Қонунда қуриш қобилиятини йўқотган ногиронларга электр, газ, сувдан фойдаланганлиги учун имтиёзли ҳақ тўланиши кўзда тутилмаган.

* * *

— 4 нафар фарзандим бор. Ҳеч қаерда ишламайман. Турмуш ўртоғим ҳам штатлар қисқартирилиши сабабли 6 ойдан буён ишламайди. Болаларимга нафақа тўланадими?

Зуҳра АҲМЕДОВА,
Бешариқ тумани.

— 1994 йил 1 сентябрдан бошлаб барча болали оилаларга ҳар ойда нафақа тўланадиган бўлди. 4 болали оилаларга энг кам иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида ҳар ойлик нафақа тўланади. Мазкур нафақа онага иш, ўқиш жойлардан, она ишламаса отасининг иш, ўқиш жойидан, иккови ҳам ишламаса, ўқимаса, ижтимоий таъминот бўлими томонидан тайинланади ва тўланади. Барча тегишли ҳужжатлар билан яшаб турган жойингиздаги ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилишингизни маслаҳат берамиз

* * *

— Менинг ўғлим Алишер Бобоқулов. Собиқ иттифоқ даврида Афғонистонда ҳалок бўлган. Менга боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган Турмуш ўртоғим эса қарилик пенсияси олади. Янги қонунга биноан пенсиямга ўғлим учун 30 фоизли қўшимча беришди. Турмуш ўртоғимга ҳам қўшимча бериладими?

Э. Бобоқулова.
Жиззах шаҳри.

— 1994 йил 1 июлдан кучга кирган янги Қонунга асосан ҳарбий хизмат бурчларини бажариш чоғида вафот этган ҳарбий хизматчиларнинг ҳам отаси, ҳам онаси олаётган пенсияга энг кам иш ҳақининг ўғли учун 30 фоизи миқдорда қўшимча олади. Турмуш ўртоғингиз тегишли ҳужжатлар билан ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилишларини тавсия қиламиз.

• Турмуш чорраҳаларида

Вагон эшиклари очилдию, ўзимни ташқарига урдим. Шошилиб соатга қарайман. Кечикяпман. Одамлар тўлқинига қўшилиб юқорига интилдим. Бироқ бир қўлида иккита оғир сумка, бирида лиқ тўла қопни зинадан зўрга судраб чиқаётган аёлга бефарқ қараб ўта олмадим. Ёшиям эллликларга борган.

— Ёрдамлашайми, шошаётганимни сездирмай унга яқинлашдим.

— Йўқ, — деди у негадир қошларини чимириб. Сўнг юқорида уни кутиб турган хотинлардан бирини имлаб чақирди. Қайрилиб ортимга қарайман...

Кейинги пайтда қаерга борманг, тўп-тўп бозорчи хотинларни учратасиз. Аввалари улар сумка кўтаришарди, энди эса астойдил қопга ўтиб олишган. Шоҳбекату тайёрагоҳлар улар билан гавжум. Бозору гузарларни ҳам қизиттан шулар.

Бир гал «Андижон—Тошкент» поездида ғалати бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Поезд жилмасидан олдин божхона ходимлари чиқиб йўловчиларни қуриқдан ўтказажакларини айтишди. Ҳар бири сандиқдек келадиган юкдонларини очишларини эшитиб, уларнинг эгалари шунақанги бобилладики, йигитлар уялганларидан ҳам нари кетишди.

— Эрим ўлган, беш бола билан қолганман. Ё боқишворасизми?

— Иккита шўртумшўгини менга ташлаб, бошқага эргашиб кетган...

— Худо бехабарлар-ей, — нарироқда ўтирган онахон ёқасини тишлади. Чамаси, эрлари юкларини кўтаришиб чиқишганди, шекилли. Ахир, бири фалончи учта пальто олиб кетган, пули ўша нархда, деб тайинлаган бўлса, бири кичкинангиз крассовка деганди, туфли обберақолинг, дея хайрлашганди. Қарангки, дам ўтмай бири бева қолди, бошқаси бечора. Содда йигитлар эса осонгина ишонишди.

Йўл узоқ. Биров ўтирган куйи мудрайди. Биров урнига чўзилади. Бўлмаларига хонаки парда тутиб олишган бўлса-да, бояги аёлларнинг овозлари баралла эшитилиб турарди.

— Ҳамиша ҳалигиндай бўри бўлишимиз учун!

— Унақа йигитларни энди кураётганимиз йўқ-ку!

— Акангизга курсатмай яхшиям шуни оливолган эканман...

«Акаси». У билса ҳам нимага ароқ ичаёан, дея олармикин? Ким едирянти, ким устингни бутлаяпти, машина отангдан қолганми, деб илигини қоқар эр шўрликни ҳам.

Шаҳарма-шаҳар юриб пул топмаса бўлмас экан, нега эркаклар юра қолмайди шу йўлда. Хотиним ўлган, беш болани боқишим керак каби баҳоналар билан ишонтира олмаслиги учунми?

«Бўри» опалар-чи, супурги ушлармикин қўлларига. Болажонисси чизиб келган қуёшнинг расмига қараб дили яйраганмикин сира?..

Шундай қилмаса бўлмайди-да, дейсизми? Эҳ, бозорчи опаларима. Тўғри, чайқовда оддий калишнинг нархи фалон пул. Сиз-чи? Бу шаҳардан арзимас пулга болалар колготкасини олиб, бошқа шаҳарда икки баробар пулласангиз, қўшнингиз бир юртдан иккинчи юртга атайин оқ сақич учун югуриб-елса. Яна қимматчилик, дейсиз. Кифтингиздаги шу оғир юклар билан сиз эмасми қимматчиликни ташиб юрган?

Хизматчилик. Яна перрондаман. Бувим тўқиган қўшиқ ҳадеб хаёлимда чарх уради:

Тошкан, Тошкан, дейдилар,
Одамлари шошкан дейдилар.
Қадам олишин топган,
Давон ошган дейдилар.

Ногаҳонда паравознинг ваҳимали тарақа-туруқидан ўзимга келдим. Икки ёнида иккита қопни кўтара олмай, релесга қисилиб қолган оёқларини тортиб олишга уринарди бир аёл. Зум ўтмай унинг атрофини одамлар қуршаб олишди. Турт эркак амаллашиб қопларни олиб чиқди. Кимдир аёлни, яна биров қопларни, бошқаси унинг эрини «мақтай» кетди. Бу гапларнинг мағзини англаса-да, индамай нари кетди у. Ҳамма нарсага эътибор бераверса рўзгор нима бўлади?

Кимнингдир бепарволиги сабаб айбдор бўлиб қолиши мумкин бўлган одамгина ўзини анча вақт унглолмай турди. Худо асрадими ёки эпчиллиги иш бердими, ҳар нечук... Аёл тирик қолди. Бировнинг онаси, қайсидир эркакнинг заифаси. Ажабки, «заифа»нинг елкасидаги қоп тўрт эркакка юк бўлса-я! Унда заифа деб кимни айтадилар?

Узбек эрлари қадимдан ориятли, қаттиққўл, меҳнаткаш бўлишган. Аёли қўшнисиникига бир зумга чиқса, орқасидан қизалоғини юғуртирган рашкчи акажонларим, хотинингиз ҳафталаб бегона юртларда, бозорма-бозор, дуконма-дукон кезишганида қандоқ ишонасиз? Турфа феъл одамлар билан турфа мулоқотларини кўз олдингизга келтирасизми ҳеч?

Аёл — оила боғбони. У нафақат болаларини едириб-ичириши, иссиқ-совуғидан, йиртиқ-ямоғидан хабардор бўлмоғи, ҳар бир сўз ҳаракатини оналик кўзи билан назорат қилмоғи ҳам лозимдир.

Кенгта — кенг дунё.

Ёзнинг айни жазирамасида таҳририятимизга катта-катта тугун кўтариб олган нуроний онахон кириб келди. «Навруз» хайри жамғармасининг манзилини сўраркан, «Атайин Гулистондан келдим», дея қўшиб қўйди.

Маълум бўлишича, икки йил олдин онахон уч-тўрт хотин-қизни ёнига олиб, кичик корхона очишган экан. Эндиликда бу корхонада 120 нафардан ортиқ аёллар уй ишларидан ажралмаган ҳолда ҳар хил рўзғорбоп буюмлар тикиб, эл кўнглини олишаётган экан. Онахон тугунларга ишора қилиб, «Жойномоз, дўппи, қийиқ, қиз ва ўғил болалар кийимларидан олиб келдим. Мачиттами, болалар уйларигами беришар», деганларида кўзларимдан учқун сачраб кетди. Шу ёшда, устига-устак шундай жазирамада-я, осонми? Ўша нарсаларни сотиб, кам-кўстига ишлатса ҳам бўларди-ку!

Нарх-наво ҳақида йўл-йўлакай қулоғимга ҳар хил гап чалинса, ўша муътабар зотни тез-тез йўқлаб тураман.

Онажон, ўшанда исмингизни ҳам сўрамабман. Ким эди отингиз Мукаррамми, Мунаввармиди? Йўқ, йўқ Узбекойим эди чоғимда. Менинг Узбекойим! Юртимнинг яхшисини ошириб, кемтигини яшириб юрган ўз ойим! Сиз эртани порлоқ бўлишига ишонасиз. Шул сабаб ҳам кўзингиз тўқ, кўнглингиз хотиржам. Йўлингиз мунаввар, руҳингиз бардам.

Кетар чоқда қизимга дўппи ваъда қилиб кетдингиз. Эҳтимол, ҳаливери пойтахтга йўлингиз тушмас. Бироқ сиз тиккан дўппиларни кийган ҳар бир қиз — менинг Нигоройимдир. Сиз нақшлар билан безаган жойномозга тиз чўккан уғлонлар — менинг жигарбандларим — Темурхонларим!

Қаноат БОЙХОН қизи.

АЁЛЛАР ЙЎЛГА ЧИҚСА

ёки бир заифага тегишли қоплар тўрт эркакка юк бўлгани ҳақида

- Ой бориб, омон қайтсин, аёллар!
- Эркаклар тугма қадашадими?
- Узбекойим элини ясатар.

— Узбекистон қовунлари тилими тилни ёради.

Х.КАРИМОВ олган сурат.

ҲИКМАТ — БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

- Энг катта бойлик — ақл ва одобдир.
- Энг яхши совға — яхши насиҳат.
- Оғиздан чиқадиган ёмон сўз тилни ҳаром қилади.
- Ота-онага итоат қилиш вожибдир.
- Бировдан айб қидириш ҳам катта айб саналади.
- Ўз манфаати йўлида бошқаларга зиён келтириш аблаҳликдир.
- Одамлардан гуноҳни яшириш мумкин, лекин Тангридан ҳеч қачон яшириб бўлмайди.
- Ҳар кимки сабр қилса, Аллоҳ уни тезда яхши ниятларга етказади.
- Жоҳиллар суҳбатига қўшилма, итлардан ҳазар қилганинг каби улар суҳбатидан ҳам ҳазар қил.
- Ҳамма вақт рост гапиришни ўзингга шиор қилиб ол.
- Диёнатли мард ҳамма жойда, барча кишилар ичида азизу мукаррамдир.
- Ҳаёт яхши ишлар қилиш учун берилган, умрингни беҳуда ўтказмай яхшилик учун интилгин. Ўтган умрни яна қайтара олмайсан.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлаган

Луқма

ЁНАЁТГАН РУҲЛАР

Нукус шаҳрининг Чимбой йўлида аниқроғи, эски аэропортнинг ёнгинасида Қорақалпоғистон Республикасидаги энг муқаддас жойлардан бири — қабристон бор. Уни «Шурчо бобо» қабристони деб аташади.

Айтишларича, бу қабристон XVIII асрнинг охиридан шакланган экан. Ривоятларга кўра Хўжа Аҳмад Яссавий яшаган даврларда «Шурчо бобо», Султон Воис бобо, Давуд ота каби муқаддас кишиларнинг номлари билан аталадиган қабристон бир вақтнинг ўзида шаклдана бошлаган экан. Эскиларнинг гапларига қараганда, «Шурчо бобо» буюк сайёҳлардан бўлган. У кишининг васиятларига кўра ўлганларидан сўнг шу жойга қўйишган, шундан кейин эса бу жой муқаддас қабристонга айланган деган ривоятлар ҳамон ўз кучида юрибди...

Яқинда кутилмаганда шу муқаддас қабристондан тутун чиқиб, ёнгинга айланди. Оламон кўз ўнгида қабристон ловиллаб ёнарди. Ўт ўчирувчиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ёнгиннинг олди олинди. Акс ҳолда, қабристон ёнгинасида аэропортнинг ёнилги базаси жойлашган. Тусатдан ўтнинг бир учқуни бориб тушса борми, унда нима бўларди? Барибир яхши манзара юз бермади. Муқаддас саналган, ота-боболаримиз мангу уйқуда ётган қабристон ёнди. Хўш, ёнгиннинг келиб чиқишида асосий сабаб нима? Воқеа тафсилоти билан яқиндан танишиш мақсадида «Шурчо бобо» қабристонида бўлганимизда, у ердаги манзарани кўриб ҳар қандай одамнинг қайфияти тушиши турган гап. Пайшанба куни бўлгани учунми, бу ерда одамлар гавжум эди. Биз кекса отахон Жангаберган Еракеев билан суҳбатда бўлдик.

— Отахон қабристонда ёнгин қаердан келиб чиқди?

— Биласизми, бу муқаддас жойни ҳар куни эрталабдан кечгача, кечдан то тонгача безори кишилар макон этиб олишган. Улар зиёратга келганлардан пул ундиришиб, бу пуллар эвазига кечаси билан шу ерда тунаб ароқ ичишади, сигарет чекишади, баъзан суюқ оёқ хотинларни олиб келишади, маишат қилишади. Улар учун бу жой байрамгоҳга айланган. Қабристоннинг ёнишига ҳам шулар сабабчи бўлса керак. Мана, кўриб турганингиздек, ҳамма жойни бегона ўтлар босиб кетган. Орқа томонда бўйи 5-6 метр узунликда қовжираб қолган, неча йиллардан бери тозаланмаган қамишзор бор. Шу ёнибди. Қамишликка яқин мана бу капа безорлари-нинг кечаси тунайдиган (ётадиган) уйи.

— Уларни танийсизми?

— Ҳа, албатта, Бозорбой Ўтегенов, Жонгабой Орик, Соғинбой деган оқсоқ, яна иккитасининг исмларини билмайман. Уларнинг дастидан тириклик-ку, марҳумларга ҳам тинчлик йўқ...

Тошкентда ўқиб юрган пайтларимда Қурбон Ҳайит байрамларида Чилонзор туманидаги қабристонларни зиёрат қилардик. У ерларда бутунлай бошқа манзара. Қабристон худди дам олиш боғига ўхшаб кетарди. Ҳамма жой озода, дарахтлар экилган, ранг-баранг, турфа гуллари одамнинг баҳри-дилини очади. Мана шуни ҳам одамлар қилишган-ку, нега энди биз ҳам шунга эришолмас эканмиз? Ҳаммасига ўзимизнинг бепарволигимиз маҳаллий раҳбарларнинг совуққонлиги сабаб бўляпти.

Акс ҳолда, қабристондек, азму муқаддас жойлар, ота-боболаримизнинг руҳи-поклари аланга ичида ёнмасди, оёқ ости бўлмасди. Эзгуликнинг эрта кечи йўқ, дейишади. Ким билади, дейсиз, эҳтимол, бу томонлардаги тегишли ташкилотлар ҳам азиз жойларни асраш борасида яқин кунларда бирон тўхтамга келишар...

Икром ХОЛМУРОДОВ,
жамоатчи мухбиримиз.



ВАГОН ЎҒРИЛАРИ

Ховос станцияси темир йўл Ички ишлар бўлими ходимлари одатда ўғриларнинг эътиборини жалб қиладиган дон ва бошқа маҳсулотлар ортилган вагонларнинг асралишини кузатиш учун кечаю-кундуз ишлайдиган постлар ташкил этишди. Саккиз нафар талончи ҳеч ким халақит бермайди, деб ўйлаб, вагондан деярли бир ярим тонна бўғдойни туширганида, уларни милиция катта лейтенанти Алишер Бобоев бошчилигидаги тезкор гуруҳ қуршаб олди... Айни пайтда яна етти нафар жиноятчи 31 қоп шакарни ўғирлашга уринди, лекин улар ҳам транспорт милицияси томонидан қўлга туширилди.

— Ховос темир йўл станциясида мингтага қадар юк вагони тўпланиб қолади, — дейди Ховос темир йўл Ички ишлар бўлими бошлиғи Тўйчи Турсунбоев, — бутун республикадаги каби бу ерда ҳам қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини, халқ хўжалиги юкларини асраш юзасидан ўтказилаётган тадбирларни шарҳлар экан. — Ходимларимиз кам бўлишига қарамай, ҳамма юкларнинг сақланишини таъминлай оламиз. Аммо жиноятчилар мавжуд кучларимиз билан 400 километрлик темир йўл участкамизда ҳар қандай ўғриликка чек қўйишга қодир эканимизни ҳисобга олишмаяпти. Шу йилнинг бошидан буён, эллликка яқин «вагон ўғрилари»ни ушладик. Афсуски, уларнинг кўпчилиги темирйўл ходимларидир.

ҲАМТОВОҒИ КИМ?

Осмонда юлдузлар милтирайди. Аҳён-аҳёнда ўтиб турган юк машиналари овози қишлоқ тун сукунатини бузади. Яйпан-Риштон автомобиль йўлидан ўтиб бораётган юк машиналари карвони вилоят божхона хизмати ходимлари эътиборини тортди. Текшириб кўрилганда ҳар бир машинада 46 тоннадан 58 тоннагача — жами 69 минг 130 килограмм пахта толаси борлиги аниқланди.

Шунча юкни олиб кетаётган «тадбиркор»лар Қиргизистон фуқароси экани маълум бўлди. Уларнинг юртимиздан қимматбаҳо хомашёни рухсатсиз олиб чиқиб кетишига ёрдам берган ҳамтовоқлари ким? Тергов органлари бу саволга жавоб топишга киришди.

Р. КАМОЛОВ.

ЭЪЛОН

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ «ТЕМУР» КИЧИК КОРХОНАСИ ТУГАТИЛАДИ

ДАЪВОЛАР ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ МОБАЙНИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

АДОЛАТ
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Тўхтамурод ТОШЕВ

Бизнинг манзил: 700000, Тошкент — ГСП, Матбуотчилар кўчаси — 32. Қабулхона — 33-41-89, 32-55-70

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Газета офсет усулида, А — 2 форматда, 10.000 нусхада чоп этилади.

Буюртма Г. — 0329. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.